

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
АКАДЕМИЯСИ**



ОТАМИРЗАЕВ ОЙБЕК МУРОДУЛЛО ЎҒЛИ

**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ
МАСАЛАЛАРИ МАВЗУСИДАГИ**

**Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯСИ**

5A240123 – Коррупцияга қарши курашиш

ТОШКЕНТ–2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ	11
1.1-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш омиллари.....	11
1.2-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишнинг усуллари ва механизми.....	25
Биринчи боб бўйича хулоса	43
II БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҲАМДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ	45
2.1-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг тавсиялари мазмуни	45
2.2-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича хориж тажрибаси.....	55
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	63
III БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	65
3.1-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича халқаро тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилиш.....	66
3.2-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш	72
Учинчи боб бўйича хулоса.....	76
ХУЛОСА	77
Фойдаланилган адабиётлар руйхати	81
ИЛОВАЛАР	90

КИРИШ

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг сиёсий-иқтисодий ривожланишига жиддий путур етказди, давлатнинг конституциявий асосларини ва қонун устуворлигини заифлаштиради, давлатни ич-ичидан емириб боради, халқни хонавайрон этади. Соғлиқ сақлаш соҳасидаги коррупция эса беморнинг бевосита узвий бўлган ҳуқуқи яшаш ҳуқуқини чеклаш, хатто уни ҳаётига нуқта қўйиш билан тугайдиган тузатиб бўлмас ҳамда аниқлаш қийин бўлган энг коррупция даражаси юқори бўлган соҳадир.

Коррупция муайян бир жамиятнинг ҳар бир тармоқ, бўғинини қамраб олиши билан фарқланади. Бироқ, унинг жамиятнинг ҳар қандай бўғинга таъсири турлича бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда коррупция хавфи юқори бўлган тармоқлардан бири соғлиқни сақлаш тизимидир. Соҳада **ярим миллион** аҳолининг ишлашинг ўзи ҳам соҳанинг нақадар мураккаб ва ундаги коррупциянинг жамиятимизга таъсири сезиларли бўлишини тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Кейинги икки йилда Президентнинг соғлиқни сақлаш соҳасига оид **50 та фармон, қарор ва фармойишлари**, Вазирлар Маҳкамасининг 70 дан зиёд қарор ва фармойишлари қабул қилинди. Бу эса соҳанинг ҳаётимиздаги ўрнини баҳолашга имкон беради.

Сўнги ўн йилликлар давомида соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун дунёнинг барча ривожланган мамлакатлари тиббиёт учун ажратиладиган харажатларни йилдан йилга ошириб бормоқда. Дунё миқёсида олинганда, соғлиқни сақлаш тизими учун жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 10 фоизи ажратилиши ҳам соҳанинг давлатлар ҳаётида сезиларли ўринига эгаллигини англатади.

Ўтган йигирма беш йил мобайнида, Жанубий Корея мамалакатнинг тиббий харажатлари миқдорини 5 баробардан зиёд оширган бўлса, Польша, Ирландия ва Норвегияда бу кўрсаткич 4 мартадан ортиқ, Голландия, Буюк Британия ва Испанияда 3 мартадан ортиқ, АҚШ ва Германияда эса 2.5 мартадан кўп маблағ сарфланган. Энг юқори кўрсаткич АҚШ давлатида кузатилган бўлиб, 2018 йил охирида бу мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тиббий ёрдам кўрсатиш миқдори киши бошига 12.000 АҚШ долларини ташкил этди¹.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида: "Ҳар ким малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга" – деб таъкидланган. Бу ҳуқуқни тўла амалга ошириш мақсадида Ўзбекистонда фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳам институционал, ҳам ҳуқуқий асослари яратилган.

Афсуски, бугунги кунда соғлиқни сақлаш сўзи билан бирга коррупция сўзини эшитилиши оддий ҳолга айланиб қолди. Бу эса фуқароларни ташвишга солиб, соҳага нисбатан ишончсизлик кайфиятини туғдирмоқда. Фуқаролар соғлиқни сақлаш соҳасида порахўрлик, товламачилик ва бошқа коррупцияга оид суиистеъмолчиликлар ҳаётга ишончсизлик руҳиятини вужудга келтиради, чунки ҳалқ онгида шифокорлик касби одамларга фидокорона ва беминнат хизмат қилиш билан боғлиқ бўлиб, соғлиқ - инсоннинг асосий неъматини ҳисобланади, соғлиқ бўлмаса, ҳаётнинг бошқа неъматлари ўз маъносини йўқотади. Шу ўринда, биз шифокорларга даволаниш учун совға шаклидаги кичик поралар ҳақида эмас, балки сўнгги йилларда тез-тез учрайдиган ачинарли ҳолат бўлган йирик уюшган шаклдаги коррупция белгилари намоён бўлмоқда.

Шу ўринда, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг коррупция ҳақидаги куйидаги фикрлари: «Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиши шарт»² диққатга сазовордир.

¹ Томас Э. Гетцен, Университет Тэмпл. Экономика здравоохранения основы и движение средств. 2018. С.45

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномасидан. 2020

Шунингдек, Президентимизнинг 2021 йилдаги тиббиёт тизимига бағишланган видеоселектор йиғилишида соҳада жиддий ўзгаришларни амалга ошириш вақти келганлигини ва ислохотларни асосий йўналишларидан бири сифатида рақамлаштириш орқали соҳада қоғозбозлик, бюрократия ва коррупцияни кескин қисқартириш масаласи қўйилди.

«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида жамоатчилик фикри» мавзусида 2021 йилда ўтказилган сўров натижаларига қўра, **«мамлакатимизда давлат ва жамият ҳаётининг қайси соҳаси энг кўп коррупцияга учраган?»** деган саволга 2020 йил респондентларнинг 35,3% соғлиқни сақлаш соҳаси деб жавоб беришган бўлса, 2021 йилда 42,9% шундай фикр билдиришган. Бу кўрсаткичларга мувофиқ, 2020 йилда соҳа таълим тизимидан сўнг иккинчи энг коррупциялашган йўналиш деб қайд этилган бўлса, жорий йилда энг юқорида даражага кўтарилди ҳамда респондентларнинг сал кам ярми томонидан соғлиқни сақлаш соҳаси танланди.

Бу эса соҳага алоҳида эътибор талаб этмоқда ва туб ўзгаришларни амалга ошириш вақти келганлигини аниқлатмоқда. Шу асосда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 6013-сонли Фармон³и асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси фаолиятини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш соҳасини такомиллаштириш масалалари бўйича "Йўл харита"лари ишлаб чиқилди.

Ривожланган давлатларда коррупцияга қарши комплекс тадбирлар, яъни бир томондан қонунчиликни, иккинчи томондан сиёсий ва ҳуқуқий амалиётни етарлича ишлаб чиққанига қарамадан, давлатларнинг миллий соғлиқни сақлаш секторларида юзага келаётган кўплаб коррупция можаролари бу иллатни тўлиқ бартараф этиш имкони йўқлигини кўрсатмоқда.

³ Ўзбекистон Республикасида Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги 29.06.2020 йил

Тиббий хизмат кўрсатиш жараёнида товламачиликни амалга оширувчи шахслар жиноий иш қўзғатишга сабаб бўлаётганлигига қарамай, соғлиқни сақлаш тизимида товламачилик, бюджет маблағларини талон-тарож билан боғлиқ вазиятлар хануз муаммоли бўлиб қолмоқда. Бу эса соҳада туб ўзгаришлар вақти келганлигини англатмоқда.

Ҳозирги вақтда моғлиқни сақлашда коррупциянинг сабаблари, шарт-шароитлари жаҳон ҳамжамиятининг аксарият мамлакатлари учун хос эканлиги яққол кўзга ташланмоқда.

Хусусан, 2021 йилдаги ҳисоботда Transparency International бошқарув раиси Делия Феррейра Рубио: «COVID-19 пандемияси бу соғлиқни сақлаш ва иқтисодийёт соҳасидаги оддий кризис эмас, балки коррупция кризисидир. Ҳозирги вақтда бу кризисни енгиб олишимизнинг имконияти мавжуд эмас», - деб иқтибос келтирган.

Пандемия коррупция авж олган ва авторитар давлатларда давлат харажатлари устидан назорат сусайтириб юборилиши ва фуқаролар эркинликларининг чекланиши учун ваз ж бўлганлиги, бу ўз навбатида хорижий ёрдам маблағлари сарфланишининг шаффофлигини пасайтиргани, маблағларни кузатиш ва бенефициарлар орасида етарлича тақсимотини таъминлашни қийинлаштирди.

Ҳисоботда, шунингдек, COVID-19 пандемияси **нафақат соғлиқни сақлаш ва иқтисодиётдаги инқирозни кучайиб кетишига, балки барча соҳаларда коррупциявий ҳолатлар авж олишига тўртки бўлгани,** оқибатда минглаб инсонлар, айниқса қуйи қатлам вакиллари юқори малакали тиббий кўмак олиш имкониятидан маҳрум бўлиб, оналар ва гўдаклар ўлими, саратон, диабет, юрак-қон томири тизими, нафас олиш йўллари касалликлари ва бошқа ўлимлар сони кескин кўпайди.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция порахўрлик, ажратилган маблағларни ўзлаштириш, нархларнинг кескин ошиши, фаворитизм ва бошқа шаклларда намоён бўлган.

Жаҳон ҳамжамияти соғлиқни сақлаш йўналиши учун ҳар йили 7 триллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлайди, шундан 1 триллион доллардан ошиқроқ фармацевтика препаратларини сотиб олиш учун йўналтирилади⁴.

Тадқиқот объекти соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий жиноятларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот предмети соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциявий жиноятларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги, амалиёти, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар тадқиқот предмети сифатида ўрганилади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий жиноятларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш тизимини коррупциядан ҳоли намунавий соҳага айлантиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш тадқиқот мақсади ҳисобланади.

Белгиланган мақсадларга эришиш учун тадқиқот давомида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

- соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш омилларини ўрганиш;
- соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик шакллари, таснифланиши, ўзига хос хусусиятларини ёритиш;
- соғлиқни сақлаш соҳадаги коррупцияга қарши курашишнинг усуллари ва механизми тадқиқ этиш;
- соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупцияга қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг тавсияларини ўрганиш;
- соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўллари кўриб чиқиш;

⁴ World Health Organization “Global Spending on Health: A World in Transition”

- соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг тавсияларни ҳамда ижобий тажрибасини ўрганиш ва миллий тизимга жорий этиш истиқболларини кўриб чиқиш;

- соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий жиноятларни бартараф этиш ҳамда соҳада коррупциявий ҳавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш бўйича Низом лойиҳаси ишлаб чиқиш ва бир қатор нормативларга ўзгартиришлар киритиш.

Илмий янгилиги. Мазкур магистрлик диссертацияси соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциявий жиноятларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда қарши курашиш масалалари мавзусидаги назарий ва амалий манбаларга асосланган дастлабки батафсил иш ҳисобланади. Бундан ташқари, магистрлик диссертациясида соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупция ва коррупциявий жиноятлар тушунчаси, уларнинг бошқа соҳалардаги коррупциявий жиноятлардан фарқли хусусиятлари ёритилган.

Мазкур тадқиқот ишида соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупцияга оид жиноятларни келиб чиқиш сабаб ва омилини таҳлил қилиниб, соҳага оид хорижий давлатлар тажрибалари ўрганилган. Энг муҳими, коррупцияга оид жиноятларни бартараф этиш бўйича амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга доир таклифлар берилган.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳ (таҳлил)и. Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш масалалари мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Коррупцияга қарши курашиш илмий ёндашувлар асосида янги ўрганилаётган соҳа бўлгани сабабли бу борада фақат умумий назарий манбалар мавжуд, жумладан: Б.Исмаилов⁵, Р.Зуфаров⁶, У.Хусаиновлар илмий ишлари шулар жумласидандир.

⁵ Б.И.Исмаилов Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши.//Монография.-Т.:Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2020.-170 б; Исмаилов Б.И. Опыт зарубежных стран в сфере противодействия коррупции: практические аспекты его использования в Республике Узбекистан//Учебное пособие. -Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, 2020. – 146с

⁶ Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки (Уголовно-правовые аспекты) : автореферат дис. ... канд. юрид. наук - Ташкент, 1994.

Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш масалалари МДХ мамалакатлари доирасида Пулкарров А.В⁷., Балебанова Т.А⁸., Савенко И.А⁹., Плахов С.В¹⁰., Сторчилова Н.В¹¹., Головки С.А¹²., Умаров Х.А¹³., Газимзянов Р.Р¹⁴., Головина А.Ю., Дубоносова Е.С., Ковалева С.Н,¹⁵ хорижий мамлакатлар доирасида Vain, Savedoff, Mathisen (2010)¹⁶, Lewis&Pettersson (2009)¹⁷, Vain (2008)¹⁸, Cohen et al (2007)¹⁹, Di Tella&Savedoff (2001)²⁰ каби таъдқиқотчилар томонидан ўрганилган.

Бироқ, юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишларида мавзунинг умумий ва махсус жиҳатлари ёритилган бўлсада, соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш ва уларни бартараф этиш яхлит шаклда ўрганилмаган.

Мазкур магистрлик диссертацияси соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциявий ҳолатлар ва хавф-хатарларни аниқлашнинг самарали усуллари жорий этиш, уларни олдини олиш аниқлаш ва уларни бартараф этишнинг самарали йўллари яратиш масалаларига бағишланган миллий дастлабки илмий тадқиқот иши ҳисобланади.

⁷ Пулкарров А.В. «Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия коррупции в сфере здравоохранения» диссертация. Москва.2013

⁸ Балебанова Т.А. «Современное состояние коррупции в здравоохранении России и меры ее предупреждения: криминологическое исследование» автореферат. Москва. 2013

⁹ Савенко И.А. «Коррупционные преступления и меры их предупреждения: На материалах Краснодарского края» диссертация. 2006.

¹⁰ Плахов С.В. «Противодействие коррупционной преступности в социальной сфере: на примере здравоохранения и образования Волгоградской и Саратовской областей» автореферат. Саратов. 2013

¹¹ Сторчилова Н.В. «Коррупция в органах внутренних дел и ее предупреждение» автореферат. Москва. 2010

¹² Головки С.А. «Противодействие коррупционной преступности в России: ретроспектива, современность и перспективы» автореферат. Тюмень.2006.

¹³ Умаров Х.А. «Противодействие коррупции в Республике Таджикистан: уголовно-правовые и криминологические аспекты» автореферат. Москва.2007

¹⁴ Газимзянов Р.Р. Коррупционная преступность в Республике Татарстан. Н. Новгород, 2005. С. 69.

¹⁵ Кнауст И.С. «Коррупция учреждениях высшего профессионального образования: Магистерская диссертация». Томск.: 2016. – 5 с.

¹⁶ Vain, T., Savedoff, W.& Mathisen, H. Anticorruption in the Health Sector: Strategies for Transparency and Accountability, Kumarian Press, West HartFORD, CT(USA).

¹⁷ Lewis, M.&Pettersson,G. “Governance in health care delivery: raising performance. World Bank Policy Research Working Paper2074

¹⁸ Vain,T. “Review of corruption in the health sector: theory, methods and interventions.

¹⁹ Cohen,J. Mrazek, Havkins,L. “Corruption and pharmaceuticals: strengthening good governance to improve access” in Campos, J.E,Pradhan,S. The Many Faces of Corruption: Tracking Vulnerabilities at the Sector Level. World bank, Washington

²⁰ Di Tella,R&Saveoff,W. Diagnosis Corruption: Fraud in Latin America’s Public Hospitals.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Тадқиқот олиб боришда қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, мантиқий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Ушбу тадқиқот соғлиқни сақлаш соҳасида мавжуд коррупциявий жиноятларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этишга хизмат қилади. Тадқиқот иши коррупциявий жиноятларни назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари, келиб чиқиш омилларини ўрганишда фойдали кўрсатма бўлади. Шунингдек, диссертацияни соҳадаги дастлабки илмий-назарий манба сифатида баҳолаб, унинг натижаларидан янги тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти соғлиқни сақлаш соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнига, қонунларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга, коррупциявий бўшлиқларни тўлдиришга, соҳадаги оид дискрецион ваколатларни камайтириш, коллизия нормаларни аниқлаш ва бартараф этишга хизмат қилади. Асосийси, соғлиқни сақлашни “коррупциядан ҳоли” соҳага айлантиришда дастури амал бўлади.

Иш тузилмасининг тавсифи. Магистрлик диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми **70 бетдан** иборат.

I БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

1.1-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий ҳолатлар ва уларнинг келиб чиқиш омиллари

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция тушунчасини ёритишдан аввал “коррупция” тушунчасига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади. Коррупция атамаси латинча “corruption” сўзидан келиб чиққан бўлиб, “пора эвазига оғдириш” деган маънони англатади²¹. Кейинги қарашларга кўра, коррупция атамаси латинча “corruptere” сўзидан келиб чиққан бўлиб, «бузилиш, айниш, таназзул» деган маъноларни англатади²².

Коррупция тушунчасига келтирилган барча тарифларда коррупция ва мансабдор шахс ваколатлари ўртасида боғлиқликка алоҳида эътибор қаратилган, чунки коррупция ва мансаб ваколати бир-бирини тақозо этувчи омиллар ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 3-моддасига кўра, **коррупция** – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланади²³.

Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупция тушунчаси умумий хусусиятларни ўз ичига олиш билан бирга махсус соҳага оид хусусиятларини ҳам қамраб олади.

Олимлар Savedoff ва Hussmann²⁴нинг фикрига кўра, **«соғлиқни сақлаш соҳасида коррупция – мураккаб ёки оддий, яхши ёки ёмон ташкил этилган, халқнинг давлатга бўлган ишончини камайтиришга қаратилган жараён»** сифатида таърифланган бўлса, рус олими

²¹ Криминология. Учебник. Отв. редактор: Рустабаев М.Х. - Ташкент: ТГЮИ, 2008.– С. 219.

²² Интернет манзили: <http://ru.wikipedia.org/wiki/Коррупция>.

²³ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар маълумотлари миллий базаси, 2019 й., 3/19/542/3177-сон.

²⁴ Savedoff W. & Hussmann K.(2006). Why are health systems prone to corruption?. Global Corruption Report, Transparency International.

А.П.Соловьев²⁵ эса «соҳа мансабдорлари томонидан хизматдаги турли хил коррупциявий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ ижтимоий хавфли ҳаракатлар» - деб таъкидлаган.

Фикримизча, соғлиқни сақлаш соҳасида коррупция – соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатувчи мансабдорлар билан бир қаторда барча ходимларнинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, мансаб лавозимини суиистеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш ҳисобланади.

Коррупцияга қарши курашиш тизими самарадорлигини ошириш, энг юқори даражадаги қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, мамлакатнинг ҳалқаро майдондаги ижобий обрў-эътиборини ошириш мақсадида, шунингдек, 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга мувофиқ **2019 йил 27 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги № ПФ-5729 Фармони қабул қилинди.** Фармонга асосан коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ўрта муддатли истикболда қуйидагилардан иборат:

суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларга ҳар қандай тарзда қонунга хилоф равишда таъсир ўтказиш шарт-шароитларини истисно этиш;

давлат хизматчиларини танлов асосида саралаб олиш, лавозимга тайинлаш ва юқори лавозимларга кўтаришнинг шаффоф тартибига асосланган давлат хизмати тизимини шакллантириш, улар учун чекловлар,

²⁵ Соловьев А.П.. Предупреждение преступлений в сфере здравоохранения : дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 / Соловьев Александр Павлович.- М., 2007.- 192 с.

тақиқлашлар, рағбатлантириш чоралари ҳамда коррупциянинг олдини олиш бошқа механизмларининг аниқ рўйхатини белгилаш;

давлат хизматчилари даромадларини декларация қилиш тизимини босқичма-босқич жорий этиш ва уларнинг иш ҳақи етарли даражада бўлишини таъминлаш, шунингдек, давлат хизматини ўташда манфаатлар тўқнашувини ҳал этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берган шахсларни ҳимоя қилишнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини жорий этиш;

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни кучайтириш;

давлат органлари ва ташкилотларининг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш;

фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш;

б) идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар тўқнашувининг олди олдинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

Инсон соғлиғи – олий неъматдир. Соғлиқни тиклаш ишида соғлиқни сақлаш тизими ходимларнинг ўрни беқиёсдир. Агарда одамлар ўзининг ёки яқинларининг саломатлигида бирининг нуқсон аниқланса, ягона халоскор сифатида доктор кўз олдимизда гавдаланади. Бироқ, **«Ижтимоий фикр»**

Маркази томонидан ўтказилаган сўровларда соҳада коррупциявий жиноятлар йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу албатта инсонларни ташвишга солиш билан бирга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни оёққа туришга ва соҳага алоҳида маъсулият билан иш олиб боришга ундайди. Мисол тариқасида кўришимиз мумкинки, **«сўнгги икки йилда тизимдаги 500 нафардан ортиқ ходим турли жиноятларни содир қилганлиги учун жиноий жавобгарликка тортилган. Улардан 114 нафарининг содир этган қилмиши коррупциявий жиноят ҳисобланади»**²⁶. Бу статистика аниқланиб, жиноят иши кўзғатилган ҳамда жиноий жавобгарликка сабаб бўлган ғайриқонуний ҳолатлардир. Аммо, жиноятни латент эканлигини ҳисобга олсак, бу жуда йирик рақамларни кўрсатиши ҳайратланарли эмас.

А.Б.Тихомиров беморнинг ҳаёти ва ўлими билан боғлиқ тиббий хизматларни кўрсатиш ҳақида гап кетганда, айниқса, бундай ҳолатлар инсонгарчиликдан чиқиш белгилари²⁷ деб таърифлайди. 2019 йилдаги статистик маълумотларга кўра, **оналар ўлими** кўрсаткичи республика бўйича 145 тани ташкил этиб, 2018 йилдагига нисбатан 10 тага камайган бўлса, **гўдақлар ўлими** ҳам 6421 тани ташкил этиб, 343 тага камайган²⁸.

Соҳадаги жиноятларнинг бир тури сифатида Республика тиббиёт муассасаларига, шу жумладан короновирусни даволаш шифохоналарига ишга қабул қилиш, лавозимни тайинлаш ва устама тўлашда тамагирлик билан боғлиқ 67 та жиноят фош этилган.

Мазкур жиноятларнинг 7 таси раҳбар ходимлар, 6 таси шифокорлар, 54 таси кадр, ҳамшира, фельдшер ва бошқа шахслар томонидан содир этилиб, жами 84,3 минг долл. ҳамда 52 млн сўм пора олинишига чек қўйилган²⁹.

Юқоридаги келтирилган вазиятлар фақатгина тизимдаги қоррупцион ҳолатларнинг бир қисмидир.

²⁶ Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 28.12.2019 йилдаги навбатдан ташкари сессиясидан

²⁷ А.В. Тихомиров коррупция в здравоохранении журнал "Главный врач: хозяйство и право" №6 за 2009 г.// <http://www.anoufrieв.ru/index.php7icH964>

²⁸ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2019 йил учун ҳисоботидан

²⁹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил учун ҳисоботидан

Европа соғлиқни сақлаш фирибгарлик ва коррупция тармоғи (European Healthcare Fraud and Corruption Network, EHFCN) ходимларининг фикрича, тизимда коррупциявий ҳолатлар қуйидаги усулларда намоён бўлади:

1. **Бюджет ёки бошқа фонд маблағларини ўзлаштириш ва растрата қилиш** (дори-дармон ёки муассаса жиҳозларини шахсий манфаатларни кўзлаб ишлатиш ҳамда қайта сотиш учун ўғирлаш);

2. **Таъминотдаги коррупциявий жиноятлар** (ноқонуний шартномалар асосида сифат стандартларига жавоб бермайдиган товарлар харид қилиш, шахсий манфаатлар доирасида қурилиш ҳамда жиҳозлаш учун ажратилаётган маблағларни ноқонуний ишлатилиши);

3. **Фармацевтика тизими соҳасидаги коррупция** (шифокорлар томонидан дори-дармонларни тайинлаш; бозорга дори-дармонларни киритиш шарти сифатида этказиб берувчиларга нисбатан ноқонуний даъволар бўлиши мумкин; сохта дори-дармонларнинг бозорда айланишига йўл қўйилиши каби ҳолатлар);

4. **Тиббиёт муассасасидаги коррупция** (қонуний равишда бепул тақдим этилиши керак бўлган хизматлар учун норасмий тўловларни талаб қилиш ёки қабул қилиш; махсус имтиёз ва яхши даволаш учун тўловни талаб қилиш);

5. **Соҳадаги лицензиялаш, аккредитациялаш ёки рўйхатдан ўтказишга оид қарорни ўзгартириш билан боғлиқ порахўрлик жиноятлари.**

Хуллас, коррупция иллоти соҳада ходимни ишга қабул қилишдан бошлаб, молия-хўжалик фаолиятини юритиш, тиббий хизмат кўрсатиш, дори-дармон таъминоти, давлат харидлар каби йўналишларни қамраб олган.

Шу пайтгача соғлиқни сақлаш соҳасидаги барча турдаги коррупция жиноятлари таъкидланмаган, асосан, энг кенг тарқалган жиноятлар муҳокама қилинган. Шундай қилиб, рус олимлари **Крилова Н.Е. ва Павлова Н.В.** расмий функцияларни бажарувчи врачлар қуйидаги хатти-ҳаракатларнинг

субъектлари бўлиши мумкинлигига ишонишади: шахс ўз лавозимидан фойдаланган ҳолда психиатрия шифохонасига ноқонуний жойлаштириш; мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш; бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши; давлат бюджетдан ташқари маблағларини мақсадсиз сарфлаш; расмий ваколатлардан четга чиқишиш; тадбиркорлик фаолиятида ноқонуний иштирок этиш; пора олиш; қалбакилаштириш, бепарволик ва хусусий тиббиётда - ваколатни суиистеъмол қилиш ва пора олиш кабилар³⁰ дир.

Фикримизча, Республикада энг кўп тарқалган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциянинг қуйидаги асосий турларини аниқлаш муҳим деб ҳисоблаймиз:

1. Ўзлаштириш ва талон-тарож қилиш (соғлиқни сақлаш учун ажратилган маблағларни ёки истеъмолчилардан тўловлар орқали олинган даромадларни) давлат даражасида ҳам, маҳаллий ҳокимият органлари даражасида ҳам юзага келиши мумкин, бевосита тиббий ташкилотлар ва бундай маблағларни олувчи муассасаларда, шунингдек, дори-дармонлар, тиббий ускуналар ва бошқа ресурсларни шахсий фойдаланиш ёки хусусий амалиётда фойдаланиш учун ёки қайта сотиш учун ўзлаштириш ва талон-тарож қилиш³¹.

2. Соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат харидларида коррупция: турли ноқонуний келишувларга жалб қилиш, порахўрлик ва давлат харидларида «устама» олиш товарлар ва хизматлар учун ортиқча тўловларга олиб келади ёки бундай товарлар ва хизматлар учун шартномаларда назарда тутилган сифатни таъминлай олмасликка сабаб бўлади. Бундан ташқари, шифохона харажатлари, жумладан муҳим харажатларни ўз ичига олиши мумкин бўлган капитал қурилиш ва қиммат ускуналар сотиб олиш, яъни коррупция алоҳида хавфи мавжуд бўлган давлат харидлари учун харажатлар.

³⁰ Крылова Н.Е., Павлова Н.В. Субъект преступлений, совершаемых в сфере медицинской деятельности //Современное право", 2006, N 4.

³¹ Воровство, взяточничество и вымогательство лишает миллионы людей надлежащей медицинской помощи, утверждается в докладе «О положении дел с коррупцией в мире» // URL :www.transparency.org.ru/INTER/inter_gcr.asp.

3. Тўлов тизимларида коррупция: бепул хизмат кўрсатиш, суғурта ҳужжатларини сохталаштириш ёки муайян имтиёзли беморлар манфаатлари учун тиббий муассасаларнинг маблағларидан фойдаланиш; суғурта компанияларига, давлат органларига ёки жамоатчиликнинг тегишли рўйхатлар ёки хизматларга аъзо бўлмаган шахсларига нисбатан беморларга ноқонуний ҳисоб-фактуралар бериш орқали даромадни максималлаштириш; харажатлар, тушумлар, чиқим ҳужжатларини сохталаштириш ёки сохта беморларни сохта рўйхатга олиш.

4. Дори-дармонлар таъминоти тизимидаги коррупция: дори-дармонлар тарқатиш тизими турли даражаларда талон-тарож қилинади; мансабдор шахслар божхона расмийлаштируви ўтказиш ёки қулай нархлар белгилаш мақсадида амалга оширилади, маҳсулот сотиш ёки муайян тузилмалар ишлашига рухсат бериш учун «**ҳақ**» талаб қилиши мумкин; бозор кодларини бузиш орқали шифокорлар рецептлар беришда муайян дори-дармонларга имтиёз беришга мажбур бўлиши мумкин; етказиб берувчиларга ўз маҳсулотлари учун турли имтиёзлар берилиши мумкин ва коррупциянинг яна бир шакли бу - рухсатномалар бериш орқали сохта ёки бошқа паст сифатли дори-дармонларни сотишга йўл қўйилади.

5. Тиббий хизмат кўрсатувчи муассасаларда коррупция: товламачилик ёки расман бепул кўрсатиладиган хизматлар учун ноқонуний ҳақ олиш; бемор учун операциядан олдин ва операциядан кейинги сифатли тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлаш орқали махсус имтиёзлар учун қўшимча тўлов амалга ошириш, энг сифатли тиббий дори-дармонлардан, чок қўйувчи препаратлар, бинтлар ва бошқалардан фойдаланиш; соғлиқни сақлаш тизимида тарафлар ўртасидаги можаро; молиявий рағбатлантириш ёки муайян ташкилотга беморларни жўнатиш орқали келиб тушадиган қўшимча тўловларни ўз бизнесини ривожлантиришга сарфлаш; давлат тасарруфидаги шифохона беморларини шахсий шифохоналарга ноқонуний йўналтириш; ёки ўз даромадларини ошириш мақсадида кераксиз тиббий аралашувлар ўтказиш.

6. Маъмурий тартибда амалга ошириладиган коррупция: тиббиёт муассасаларига хизматга ёллаш, лицензиялаш, аккредитация қилиш ёки сертификатлаш амалиётида пора олишга розилик ёки товламачилик қилиш.

7. Тиббий хизматларни тижоратлаштириш шаклидаги коррупция: тиббий хизмат кўрсатишда сунъий «дефицит» яратиш, одамлар муайян турдаги тиббий текширувларга муҳтож уларни ойлар давомида кутишга мажбур қилиш; қонун билан тақиқланган тиббий операциялар ва аралашувлар ўтказиш; тиббий муассасаларни аста-секин савдо муассасаларига айлантириш, соғлиқни сақлаш тизимига бозорнинг рақобат тамойилларини шавқатсиз бозор технологияларига асосланган ҳолда тадбиқ этиш. Тиббий маҳсулотларнинг оммавий ахборот воситалари орқали тўхтовсиз реклама ўз-ўзини тиббий препаратлар ёрдамида даволашга ундаб, шу тариқа фуқаролар саломатлигига сезиларли зарар етказмоқда. Шунингдек, тиббий воситалар рекламаси орқали қилинган «беғараз ёрдам» учун шифокорларга санаторияга йўлланма ёки долзарб бўлган вакцина яратиш давомида экспертларни ижобий хулосасини олиш каби усуллар орқали соғлиқни сақлаш тизими ўз олдига қўйган асосий мақсадлардан чекинмоқда.

8. Тиббиёт муассасаларидаги коррупция: кундалик ёки кичик коррупция тиббиётда одатий шаклида намоён бўлиши мумкин: дори-дармонлар кўрсатма ёзиш ва турли тиббий маълумотномаларни олиш: вақтинчалик ишга лаёқатсизлик варағи, ҳарбий хизмат учун яроқсизлик варағи, транспорт воситаларини бошқаришга тиббий рухсатнома, беморнинг руҳий ҳолати ҳақида маълумотнома, никоҳ учун тиббий маълумотнома, бирор иш бошлаш учун тиббий рухсатнома, спорт турларидан бири билан шуғулланиш учун тиббий рухсатнома, тиббий сирни ошкор этиш, ва бошқа ҳолатларни тасдиқловчи ёки рад этувчи фактлар (айниқса, танага етказилган жароҳат ва зўравонлик излари, касалхонадан муддатидан аввал чиқариш ёки аксинча беморни касалхонада керагидан ортиқ олиб қолиш) ва ҳоказо.

9. **Тиббиёт муассасаларига ходимларни ишга қабул қилиш ва жойлаштириш соҳасидаги коррупция:** бу соҳада коррупциянинг намоён бўлиши қуйидагиларда кўзга ташланади: тиббиёт муассасаларига ўқишга кириш, малакасини ошириш, тиббиёт муассасалари учун ходимларни аттестациядан ўтказиш. Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциянинг тизимли хусусиятининг муҳим кўрсаткичи бу малакали шифокорлар ҳам муайян тиббий мутахассислик йўналишлари бўйича ишга жойлашиши учун кўп пул тўлашга мажбур. Бу амалиёт иккинчи тарафнинг сарфлаган маблағларини қоплашнинг бир усули сифатида саналади. Шунингдек, «**сарфланган маблағларни қоплаш**» тиббиёт ўқув юртларига ўқишга кириш ва ўқиш порага асосланганлиги туфайли керакли малакага эга бўлмай қолган шифокорлар томонидан аҳолидан олинадиган йиғимлар эвазига амалга оширилади³².

Буларнинг барчаси соғлиқни сақлаш соҳаси коррупциянинг энг асосий «**ўчоқ**»ларидан бири бўлиб, жаҳон ҳамжамиятининг аксарият мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистонда ҳам учратиш мумкин. Бироқ, уларнинг мазмунини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, биз коррупциянинг алоҳида турлари ҳақида эмас, балки соғлиқни сақлаш тизимидаги мавжуд коррупция фаолиятини бутун бир кўринишда баратараф этиш масаласи илгари сурилади. Бунда, ҳар бир йўналишда алоҳида коррупциянинг кўринишлари мавжуд.

Бу эса, ўз навбатида, бу салбий ҳодисанинг жаҳон миқёсида ўта тарқалганлиги ва чидамли тус олганлигини кўрсатади.

Биргина 2020 йил давомида **судга юборилган ишлар** бўйича 97 нафар ходимлар томонидан фирибгарлик, 86 нафари ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш, 51 нафари касалга узрли сабабсиз ёрдам кўрсатмаслик, 26 нафари расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ёки улардан фойдаланиш, 14 нафари порахўрлик, 5 нафари мансаб ваколатини

³² «Ўзбекистон Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари» мавзусидаги тўплам.- Т.:ТДЮУ, 2021.251 бет

суиистеъмол қилиш, 2 нафари мансабга совуққонлик билан қараш ҳамда 5 нафари бошқа турдаги жиноятларни содир этганлар³³.

«Ижтимоий фикр» Маркази томонидан 2020-2021 йилларда ўтказилган сўровларда шундай савол қўйилди: **«Сизнинг фикрингизча, қуйидаги соҳаларда коррупция қай даражада тарқалган?»**. Бу саволга 2020 йил респондентларнинг **32,4%**, 2021 йилда эса **46,1%** энг коррупциялашган соҳа муассасалари сифатида соғлиқни сақлаш тизимини таъкидлашган. Бу эса инсон ҳаётининг нақадар мўрт эканлигини ва эртанги кундан яшаш умидининг камайиб боришига хизмат қилмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимига коррупциянинг кириб бориши омиллари:

1. **Аввало, бу ҳар қандай соғлиқни сақлаш тизимида ахборот тақсимоотида тенгсизлик мавжудлиги билан боғлиқ.** Ҳар қандай ҳолатда ҳам, тиббиёт ходимлари касалликлар ҳақида ўз беморларидан кўра кўпроқ билимга эга, шунингдек дори-дармон ва тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарадиган корхоналар ўз маҳсулотларига сарфланадиган харажатлар ҳақида давлат амалдорларига қараганда кўпроқ маълумотга эга. Айнан тўғри маълумот билан таъминлаш орқали коррупция даражасини камайтириши мумкин. Бу хулосага Аргентина соғлиқни сақлаш тизимида Transparency International ташкилоти томонидан ўтказилган тадқиқотларда ўз аксини топган. Бу мамлакат Соғлиқни сақлаш вазирлиги шифохоналарга дори-дармон сотиб олиш учун харажатлар ҳақида маълумот тақдим қила бошлагандан кейин, шифохоналарга дори сотиб олиш жараёнида нархлардаги фарқ 50% га тушди.

Шубҳасиз, бу муаммо Ўзбекистон соғлиқни сақлаш тизими учун ҳам ўта долзарбдир. Дори-дармонларни сотиб олиш ёки улар учун аниқ белгиланган харажатлар ҳақида оммавий маълумот беришнинг бундай амалиёти мавжуд эмаслиги бу соҳага ажратилаётган давлат бюджети маблағларидан мақсадсиз

³³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил учун ҳисоботидан

фойдаланишга ва ҳатто, поликлиникадан тортиб то касалхоналар даражасида ажратилган маблағни талон-тарож қилишга замин яратади.

2. Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциянинг тарқалишига муҳим сабаб аҳолининг саломатлик ҳолатини таҳлил қилиш ва прогнозлашдаги ноаниқликдир. Бундай маълумотларнинг йўқлиги ресурсларни бошқариш, жумладан, соғлиқни сақлаш хизматларини танлаш, мониторинг қилиш, ўлчаш ва етказиб бериш, шунингдек, тиббий суғурта режаларини ишлаб чиқишни қийинлаштиради.

3. Соғлиқни сақлашда коррупция ҳолатига тиббий маҳсулот ва хизматларни етказиб берувчилар ва бу соҳада сиёсатни ишлаб чиқишга масъул органлар ўртасидаги муносабатлар характери ҳам таъсир кўрсатади. Ушбу тоифадаги категориялар ўртасидаги муносабатларда шаффофликнинг йўқлиги коррупцияни ривожланишига ҳисса қўшадиган энг муҳим омиллардан биридир.

4. Ижтимоий муносабатларнинг қолоқ усулларга қурилиши. Вертикал бошқарув турли жойларда қуйи даражадаги ходимларнинг ваколатлари юқори органлар томонидан қатъий белгиланган тарзда қурилган. Ҳокимият иерархиясининг "горизонтал" кўринишидаги мустақил фаолият олиб бориши қатъий чекланди. Кўриниб турибдики, ижтимоий ҳаёт тезлашиб, мураккаблашиб борар экан, бундай умумий бўйсунуш ва назорат тизими кам самара беради. Ижтимоий муносабатлар амалиётида бевосита иштирок этувчи бошқарув иерархиясининг қуйи даражалари "юқоридан" белгиланмаган ижтимоий талаб қилинадиган, аммо "ҳокимият машинаси"га эътирозсиз равишда, функциялар ва ваколатларни ўз зиммасига олишга мажбур бўлади.

Белгиланган қоидаларни бузувчи "қуйи вакиллар"нинг ташаббускорлиги "сояларда" амалга оширилади ва бу ерда зарур, лекин ваколати бўлмаган ишларни бажариш учун таваккалчиликка тўланадиган мукофот асосли деб ҳисобланади.

5. Собик Иттифоқ мамлакатларига хос бўлган ҳокимият ва бўйсунуш муносабатларини ташкил етишнинг ноқонуний асослари. Ҳокимиятни амалга ошириш қонунга эмас, балки ҳокимият вакилларининг субъектив ихтиёрига асосланади. Ҳокимият доимо қонундан юқори ва кучли - постсовет мамлакатларида узок давом этган анъана. Шу сабабли, МДҲ давлатлари оқилона ташкил этилган бюрократик тизимни шакллантириш учун шарт-шароитларга эга эмас эди.

6. Қоғозбозлик ҳамда кўзбуямачиликларни кенг тус олганлиги. Хаётимиз давомида турли ҳилдаги жараёнларда тиббий маълумотнома талаб этилади. Хусусан, ишга жойлашиш, ҳайдовчилик гувоҳномаси учун ўқиш, касаллик маълумотномаси ва бошқалар.

7. Демократия институтларининг ривожланмаганлиги, ижтимоий назоратнинг сустлиги. Оммавий ахборот воситаларининг «фаол» фаолияти учун тўсиқларнинг мавжудлиги, уларнинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларнинг кафолатлари учун механизмларнинг етарли эмаслиги ёки соҳада кадрларни етишмаслиги ва ўз соҳасида ўқувсизлиги.

8. Аҳолининг ҳуқуқий билимлари, онги ва маданияти пастлиги, сиёсий фаоллигининг сустлиги, давлат ва жамият бошқарувидан ўзини четга олиши. Аҳоли ўртасида турли ноқонуний жараёнларга нисбатан бу менга таалуққли эмас, бунга аралашиб «бошимни оғритиб» нима қиламан деган кайфият шаклланган.

9. Қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда жавобгарликни муқаррарлиги муҳитини яратиш.

Деярли барча мамлакатларда, соғлиқни сақлаш соҳаси солиқ тўловчилар томонидан молиялаштирилади, бироқ улар солиқларни сарфланиши ва назорат қилиниши ҳақида маълумот олиш имкониятига эга эмаслар. Шу боис, бу тизимга йўналтирилган маблағлардан фойдаланиш имконига эга бўлган мансабдор шахслар улардан ноқонуний фойдаланишга зўр бермоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, давлат харидлари харажатларининг (фармацевтика маҳсулотлари шулар жумласидан) 10-25%

коррупция натижасида талон-тарож қилинади ва ноқонуний дори бозори даромадлиги жиҳатидан қурол ва гиёҳванд моддалар савдосидан кейин учинчи ўринда туради. Мутахассисларнинг фикрича, дунёда қалбаки дори воситаларини сотишдан тушган даромад 75 миллиард долларга тенг.

Турли мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимларига хос бўлган, юқорида қайд этилган сабаблар мураккаб коррупция муҳитини шакллантиради ва шунга кўра, бу соҳадаги коррупциянинг энг кўп тарқалган турларини белгилаб беради. Жамият учун муҳим соҳасида коррупция аталмий ижтимоий хавфнинг даражаси жуда юқори, ноқонуний фойдаланилган маблағлар аслида дори-дармон, тиббий асбоб-ускуналар учун ва охир-оқибатда даволаш ва инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш учун сарфланиши лозим эди.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупциянинг қуйидаги белгиларини кўрсатиш мумкин:

- давлат манфаатларини шахсий манфаатларга онгли равишда бўйсундириш;
- коррупция кўринишларини яшириш;
- давлат қарорларини қабул қилувчилар ва бундан фойда олувчилар ўртасида ўзаро мажбуриятларнинг мавжудлиги;
- муайян қарор қабул қилувчилар ва бундай қарорга таъсир қила оладиган мутасаддилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мавжудлиги;
- коррупция ҳаракатини қонуний йўл билан яширишга интилиш;
- бир вақтда икки функцияни амалга ошириш (давлат ва хусусий).

Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцион ҳолатларни тез-тез учраб туриш сабаблари:

- тизимдаги заиф бошқарув ёки тартибни йўқлиги;
- соҳада шаффофлик ва жамоатчилик назоратининг сустлиги;
- ходимлар ойлик маошининг камлиги;
- давлат манфаатларини шахсий манфаатларга онгли равишда бўйсундириш;

- бюрократик тўсиқларнинг кўплиги ва бошқалар.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш учун ушбу соҳага хос айрим аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарур. Уларнинг айримларини санаб ўтамиз: ҳуқуқий норматив жиҳатдан аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ва турини аниқлаш, давлат назорати остида пуллик тиббий ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш, шаффоф дори сиёсатини шакллантириш, коррупцияни олдини олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш тадбирларини амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мустаҳкамлаш лозим.

Таъкидлаш жоизки, соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция, унга қарши курашиш усуллари ва характери жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг оқибатлари жиддий ва ўта аҳамиятли - инсон саломатлиги ва ҳаётидир.

1.2-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишнинг усуллари ва механизми

Коррупцияга қарши курашишда давлат органларининг фуқаролик жамиятининг барча институтлари билан ҳамжиҳат фаол ҳаракатини таъминлаш, шунингдек, коррупцияга қарши курашишда миллий тузилмаларнинг халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлигини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Бу борада Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида интеграцияга эришишга тўсқинлик қилаётган омиллардан бири – аниқ статистика ва мақбул далилларга асосланган маълумотга таянган ҳолда иш олиб бориш тизимининг мавжуд эмаслиги ҳисобланади.

Шунингдек, жамиятнинг ҳар бир соҳасида, хусусан, тадбиркорлик, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида коррупцияга қарши курашишни янада кучайтириш, коррупция билан боғлиқ айрим хатти-ҳаракатларни криминализациялаш ҳамда халқаро стандартларни тўлиқ ва тўғри қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу борада халқаро ҳужжатларда назарда тутилган **«ноқонуний бойлик орттириш», «учинчи шахсларнинг моддий манфаатларини кўзлаб тамагирлик қилиш»** каби хатти-ҳаракатларни криминализация қилиш масалаларини кўриб чиқиш вақти келди, деб ўйлаймиз.

Ўзбекистон Республикаси «Коррупцияга қарши курашиш тўрисида»ги қонуннинг 7-моддасига кўра, коррупцияга қарши курашувчи давлат органлар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти этиб кўрсатилган.

Шундай бўлсада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги 6013-сонли **«Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги фармони асосида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши тузилиб, коррупцияга қарши курашувчи органлар доираси янги тузилмалар асосида кенгайтирилди.

Шунингдек, давлат органларидан ташқари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ ва фуқаролар коррупцияга қарши курашишда иштирок этишлари **«Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»**ги қонун билан қонунийлаштирилди.

Мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурлари бажарилиши белгиланган муддатларда ва сифати бажарилиши керак. Бу борада мониторинг жараёнида самарали ҳуқуқий механизмнинг етарли эмаслиги, давлат хизматчиларининг этика қоидаларига риоя қилиш даражасининг пастлиги, давлат органлари фаолияти очиқлиги тамойилининг амалда номигагина ишлаётганлиги каби масалалар ҳал қилиниши лозим. Бу каби институционал вазифаларни бажарилиши жамиятимизни ҳалқаро майдонда имиджини яхшилашга хизмат қилади.

Соғлиқни сақлаш тизими шу даражада нозик бўлиб, ходимларнинг жиноятга алоқадор айбини аниқлаш қийин. Шу боисдан нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг назорати, балки жамоатчилик назорати мустахкамлаш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш асосий вазифа сифатида олдимизда турибди. Шунингдек, унинг жамиятга ҳам таъсири мураккабдир. Унинг таъсирини бир қанча турларга ажратишимиз мумкин: биринчидан, бевосита ва билвосита; иккинчидан, моддий ва номоддий; учинчидан, қисқа ва узоқ муддатли таъсирларга ажратишимиз мумкин.

Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишнинг бир қатор усуллари мавжуд. Булар:

1. **Маъмурий;**
2. **Тарбиявий;**
3. **Ташкилий-ҳуқуқий;**
4. **Интизомий;**
5. **ОАВ, фуқаролик жамияти институтлари ва фуқаролар**

иштирокини кучайтириш.

Маъмурий усул. Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашишда маъмурий усул – соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупцияни ўрганиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш ҳамда олдини олиш механизмларини аниқлашга ҳаракат қилишдир.

Маъмурий йўл билан ходимларнинг молиявий жавобгарлиги уларнинг айбдор қилмиш ёки ҳаракатсизлик оқибатида етказилган зарарни қоплаш мажбуриятида ифодаланади. Моддий жавобгарлик ходимларга меҳнат муносабатларида бўлган ташкилотга ёки учинчи шахсларга етказилган зарарни қоплаш муносабати билан бу зарар корхона томонидан қопланса ҳам регресс тартибида ходимдан ундириб олинади.

Соғлиқни сақлаш соҳасида интизомий жавобгарлик ва жазолар ички меҳнат қонунчилиги бузилганда ва интизомий ҳуқуқбузарлик содир этилиши натижасида ходимнинг меҳнат вазифаларини қонуний тартибда бажармаганлиги ёки нотўғри бажарганлиги тушунилади.

Ходимни интизомий жавобгарликка тортиш учун зарур бўлган шартлар: меҳнат (расмий)вазифаларини бажармаслик ёки нотўғри бажариш;

ходимнинг ноқонуний ҳаракатлари ёки камчиликлари;

ходимнинг айби билан ҳуқуқий нормаларнинг бузилиши. Коррупция билан боғлиқ ёки коррупцияга қарши курашишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган талабларга ходим томонидан риоя этмаслик интизомий жавобгарликка тортишга асос бўлади.

Маъмурий усулни асосий бўғини сифатида юридик жавобгарлик намоён бўлади. Юридик жавобгарликни 3 тури мавжуд. Булар: фуқаролик, маъмурий ва жиноий жавобгарликдир.

Маъмурий жавобгарлик – жисмоний шахслар томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиши натижасида вужудга келади. Коррупциявий жиноятлар билан боғлиқ Маъмурий жавобгарлик кодексининг бир қанча нормалари мавжуд. Булар:

- 1) 61-модда. Оз миқдорда талон-торож қилиш;
- 2) 61¹-модда. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
- 3) 193¹-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;
- 4) 93²-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши каби нормалар мавжуд бўлиб, улар ижтимоӣ хавфи юқори бўлмаганлиги сабабли жарима қўллаш билан чекланади.

Жиноӣ жавобгарлик – ижтимоӣ хавфи юқори бўлган жиноятларга нисбатан оғирлаштирувчи охириги чора сифатида намоён бўлади. Масалан, Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш(ЖК 167-модда), Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш(205-модда), Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш(206-модда), Мансабга совуққонлик билан қараш(207-модда), Ҳокимият ҳаракатсизлиги(208-модда), мансаб соҳтакорлиги(209-модда), пора олиш(210-модда), пора бериш(211-модда), Пора олиш-беришда воситачилик қилиш(212-модда), Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш(213-модда), Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши(214-модда) каби коррупциявий жиноятлар жиноӣ жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Тарбиявий усул. 2008 йилдаги Россия Федерациясининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги қонунига кўра, коррупция – расмий позицияни суиистеъмом қилиш, пора бериш, пора олиш, ҳокимиятни суиистеъмом қилиш, тижорат порахўрлик ёки бошқа ноқонуний фойдаланиш, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатларига зид бўлган шахс томонидан пул, қимматбаҳо буюмлар, бошқа мол-мулк ёки мулк ҳуқуқи, бошқа мулкый ҳуқуқларни олишда ифодаланади. Бу таърифдан кўриб турибмизки, коррупция инсоннинг тарбиявий, ахлоқий фазилатлари билан бевосита боғлиқ. Заиф тарбиявий, ахлоқий фазилатлар коррупцияга қарши туриш имкониятини камайтириб юборади. Қаррупцияга қарши таълим эса унга қарши тура оладиган ягона йўлдир.

Коррупцияга қарши таълим – бу давлат таълим стандартлари доирасида ишлаб чиқилган ва таълим соҳасида амалга ошириладиган умумий таълим дастурлари асосида шахс, жамият ва давлат манфаатларига мувофиқ таълим ва тарбияда коррупцияга қарши дунёқарашни шакллантириш, талабаларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти даражасини ошириш муаммоларини ҳал қилиш қаратилган фаолият³⁴.

Соҳа ходимларини коррупция ҳақидаги дунёқарашини шакллантириш, қайси ҳаракат ёки ҳаракатсизликлар коррупциявий жиноятларга боғлиқлиги, унга қарши тура олиш, бунга йўл очадиган шарт-шароитлар ҳақида ваколатли мансабдор шахсларга мурожаат қилиш жараёни ҳақида малака ошириш курслари, тиббиёт таълим тизимида қўшимча дарслар ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ўз мансабдор шахсларининг ҳамда бошқа ходимларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий саводхонлигини, шу жумладан ҳуқуқий билимлари даражасини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриши зарур.

³⁴ Противодействие коррупции через образование. Качкина Т.Б, Качкин А.Б. Ульяновск 2009

Таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий таълим ва тарбия белгиланган давлат таълим стандартларига мувофиқ амалга оширилади.

Мисол учун, тиббиёт деонтологияси – тиббиёт ходимларининг бурчи, одоби ҳақидаги фан бўлиб, шифокорлар, хамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари учун маънавий ва мафкуравий дастурамалдир. Яна шу ўринда таъкидлаш муҳимки, тиббиёт ходимларининг ўз касбий мажбуриятларига риоя этишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш механизмларини такомиллаштиришда бу каби таълим ўзига хос ўринга эга.

Интизомий усул. Интизомий жазо чоралари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ҳуқуқлар вакил қилинган корхона раҳбари ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қўлланилади. Интизомий жазо қўллаш ҳуқуқи дўкон бошлиқлари, бўлим бошлиқлари ва ҳоказоларга ега бўлиши мумкин. Ишдан бўшатиш фақат корхона раҳбарлари томонидан амалга оширилиши мумкин, таркибий бўлинмалар раҳбарлари еса ушбу жазоларни қўллаш учун мурожаат қилишлари мумкин.

Меҳнат муносабатлари соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун уларнинг мақомига кўра интизомий жазоларни ташкил етмайдиган ва интизомий жазолар билан бир вақтда қўлланилиши мумкин бўлган жазолар қўлланилиши мумкин. Буларга: айбдор ходимни бонуслардан маҳрум қилиш, йил охирида ҳақ тўлаш ва бошқалар киради. Айрим ҳолларда маъмурий ва интизомий жазо чораларини бир вақтда қўллашга йўл қўйилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик – юридик жавобгарлик турлари бири бўлиб, фуқаролик ҳуқуқининг белгиланган нормаларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик оқибатида вужудга келади. Масалан, одоб-ахлоқ нормаларига зид равишда бемор ёки уни яқинларидан совға олиш Меҳнат кодекси 181-моддасига кўра:

1. Хайфсан;

2. Ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима;

3. Меҳнат шартномасини бекор қилиш билан жазоланади.

Ташкилий-ҳуқуқий усули. Соғлиқни сақлаш вазирлигида коррупцияга қарши курашда бўйича Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат, Ташкилий-назорат ҳамда Кадрлар бошқармаси шуғулланади.

Мисол учун, **Кадрлар бошқармаси** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида манфаатлар тўқнашувини бошқариш тартиби ва Ўзбекистон қонун ҳужжатлари нормаларига мувофиқ белгиланган тартибда ва ҳажмда ходимлар ва алоқадор шахсларнинг яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотларни ўз вақтида ва тизимли йиғиш, таҳлил қилиш ва янгилаб бориш учун жавобгарлик юклатилган бўлса,

Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат хизмати соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупция қарши курашиш амалга оширилган чора-тадбирларнинг етарлилиги, мутаносиблиги ва самарадорлигини баҳолайди ҳамда доимий мониторинг олиб боради.

Улар нормативларга риоя этилишини назорат қилиш билан бирга соҳадаги коррупцион ҳолатлар учун мавжуб бўлган туйнукларни аниқлаш, уларни бартараф этишга қаратилган ички норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқади.

Уларни бу соҳадаги вазифа, ваколат ва мажбуриятлари қуйидаги ички норматив-ҳужжатлар билан тартибга солинади:

- Соғлиқни сақлаш вазирининг **09.11.2020** йилдаги **288-сонли** «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи;

- Соғлиқни сақлаш вазирининг **20.03.2020** йилдаги **76-сонли** «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни сабаблари, шартлари ва уларга қарши курашиш тўғрисидаги Йўл харитасини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи

- Соғлиқни сақлаш вазирининг 17.06.2019 йил 161-сонли «Тиббиёт ходимларининг касб этика қоидалари тасдиқлаш» тўғрисидаги буйруғи. Юқоридаги бошқармаларни фаолиятини мувофиқлаштириш, уларни самарали ишлашини таъминлаш, белгиланган вазифаларни тўлақонли амалга оширишини назорат қилиш лозим.

Бироқ, соҳада ярим миллион ходим ишлайдиган соҳани ахлоқ кодекси назорат ва коррупциявий ҳолатларни аниқлаш асосий вазифаси юклатилган вазирликнинг Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ходимларини штат сони 5та, вилоятларда 1-3 тани ташкил этади. Бу эса ноқонуний ҳаракатларни аниқлаш, олдини олиш ва жавобгарлик белгилашда қатор тўсиқларни вужудга келтиради.

Соҳа ходимларининг ижро интизоми, ички қоидалар ва белгиланган вазифаларга тўлақонли амал қилиш, акс ҳолда жавобгарлик чораларини қўллаш орқали ҳуқуқбузарликни бартараф этиш керак.

Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш ва уларни коррупцияга қарши чораларни тайёрлаш, ўтказишда ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб қилиш. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг, ОАВ ва фуқароларнинг соғлиқни сақлашда коррупцияга қарши курашишда ўрни сезиларлидир. Булар:

- соғлиқни сақлашда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

- коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

- коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари юқорида назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш мақсадида Идоралараро комиссия ва ҳудудий идоралараро комиссиялар фаолиятида, шунингдек давлат органлари ҳузуридаги ишчи гуруҳлар, комиссиялар ва жамоат-маслаҳат органлари фаолиятида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

Оммавий ахборот воситалари коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишга, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тадбирларни ёритади, коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Лунд университети тадқиқотчиси Larsson фикрига кўра, соғлиқни сақлашдаги ноқонуний тўловлар тиббий хизмат кўрсатишга, тизимга нисбатан ишончга ёмон таъсир ўтказди³⁵. Бизнинг фикримизча, ноқонуний тўловларни таъсири қуйидагиларда кўринади:

- 1. Нархларни ўсишига;**
- 2. Хизмат кўрсатиш сифатини пасайишига;**
- 3. Хизмат кўрсатишдаги тенгсизликка;**
- 4. Хизмат кўрсатиш бозорини бузилишига;**
- 5. Тизим бюджетининг нотўғри тақсимланишига;**
- 6. Билвосита жамиятдаги ишончсизликка сабаб бўлади.**

Шу сабабдан унга қарши курашишда эски усуллар билан чекланмасдан замон талабларига жавоб берадиган, халқаро ҳамжамият томонидан тан олинган усулларни қўллаш давр талабидир.

2020 йил инсоният учун жуда оғир машаққатли йил бўлди. Дарҳақиқат, «Covid-19» деган сўз билан дуч келишди ва у инсонлар кушандасига айланди. «Covid-19 пандемияси»нинг дунё бўйлаб тобора тарқалиб бораётгани барчанинг фикру-зикрини, уй-хаёлини, керак бўлса тафаккурини банд этгани ҳаммамизга аён.

³⁵ Rickard Larsson, "Informal payments for health care: A threat to human security", Lund University, 2010.

Бу вирус инсониятни яна бир бор чуқур мулоҳаза қилишга, ўз идрокига таянган ҳолда ва онгли равишда иш юритишга, жамиятнинг янада жипслашишга чорлади.

Бу офат бутун дунё ишчилари ўз даромадларининг 10.7%ини ёки 3.5 триллион долларни йўқотилди ҳамда дунё ЯИМ 5.5%³⁶га унга қарши курашишга сарфлангани муаммони нақадар долзарб эканлигидан далолатдир.

Лекин, шундай оғир дамларда ҳам соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий ҳолатлар камайиб, соҳа ходимларининг халқ билан **«бир тан-у, бир жон»** бўлиш ўрнига вазиятдан фойдаланиб қолишган қаратилган ҳолатлар сони ортди.

2020 йилги CPI (Corruption Perception Indeks)да **COVID-19 пандемиясининг** коррупция билан боғлиқлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, коррупция адолат принципига риоя қилган ҳолда COVID-19 пандемиясига қарши курашишга ва бошқа кризисларни олдини олишга тўсқинлик қилиб, бу ўз навбатида фавқулодда ҳолатларда шаффофлик ва коррупцияга қарши чора-тадбирларнинг муҳимлигини белгилаб бермоқда.

Transparency International бошқарув раиси Делия Феррейра Рубио фикрича: **«COVID-19 пандемияси бу соғлиқни сақлаш ва иқтисодийёт соҳасидаги оддий кризис эмас, балки коррупция кризисидир. Ҳозирги вақтда бу кризисни енгиб олишимизнинг имконияти мавжуд эмас»**, - деб иқтибос келтирган. Бу фикрдан хулоса қилишимиз мумкинки, пандемия соҳада коррупция даражасини ошишга хизмат қилди.

Пандемиянинг ўнглаб бўлмас ҳолатларига қарши курашиш мақсадида 19.03.2020 йилда Президентимизнинг 5969-сонли **«Covid-19 пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодийёт тармоқларига салбий**

³⁶ <https://www.dw.com/en/covid-19-has-led-to-trillion-dollar-losses-for-workers-around-world/a55026876#:~:text=Business-,COVID-19%20has%20led%20to%20trillion-dollar%20losses%20for%20workers,loss%20of%20around%20%243.5%20trillion.>

таъсирини юшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони асосида Молия вазирлиги ҳузурида Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди.

Бироқ, шундай оғир вазиятларда ҳамма жипслашиш ўрни баъзи бир Санитария ва эпидемиология осойишталик марказлари ходимларининг ажратилган маблағларни ноқонуний ўзлаштириш ёки мақсадсиз сарфланиши юзасидан кўплаб жиноят ишлари очилиши ҳам соҳада кадрларни ўз манфаатларини бошқа ҳар қандай олий қадриятлардан устун қўйилиши жуда ҳам ташвишланарлидир.

Прокуратура органлари томонидан ўтказилган текширишларда Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан вазирлик тизимига ажратилган маблағлар талон - торож қилинганлиги ҳолатлари аниқланган.

Мисол учун, Қашқадарё вилояти санитария - эпидемиология хизмати бошқармаси собиқ раҳбари Ш.Шеров коронавирусга қарши курашиш тадбирларига жалб қилинмаган ходимларга **271,6 млн.** сўм қўшимча рағбатлантириш маблағларини ноқонуний равишда тўлаганлиги ҳамда дезинфекция воситаларини қиммат нарҳда харид қилиб, **166 млн.** сўм маблағларни талон - торож қилганлиги аниқланган³⁷.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупция унга қарши курашиш усуллари ва характери жиҳатидан ўзига хос хусусиятларга эга. Унинг оқибатлари жиддий ва ўта аҳамиятли - инсон саломатлиги ва ҳаётидир.

Соғлиқни сақлаш соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш учун ушбу соҳага хос айрим таъсирчан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

Биринчидан, соғлиқни сақлашдаги қонунчиликни тартибга солиш ва такомиллаштириш, бўшлиқларни ҳамда коллизия ҳолатларни олдини олиш, коррупция ва таъмагирликка қарши курашиш ва унга чек қўйиш борасида тизимдаги барча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиб, уни такомиллаштириш, ўз вақтида ижросини таъминлаш олдимизда турган

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил учун ҳисоботидан

асосий вазифалардан биридир. Соҳага оид мингдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд бўлиб, улар тарқоқ ҳолатда жойлашган. Бу эса уларни топиш, ишлатишда бир қатор қийинчиликлар туғдирмоқда. Бундан кўриниб турибдики, соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳуқуқий ҳужжатларни муайян бир йўналишлар бўйича (лицензиялаш, хизмат кўрсатиш, рухсат бериш) тизимлаштириш, уларни кодификациялаш масаласини кўриб чиқилиши керак деган фикрдамиз. Чунки, тиббиёт муассасаларида давлат харидларини ўтказиш, ногиронликни белгилаш, сертификат олиш ва шу каби бошқа коррупцияга оид **78 та** жиноят фош этилиб, жами **96,1 млн** сўм ҳамда **30,1 минг долл.** миқдоридаги порахўрликнинг олди олинган³⁸.

Иккинчидан, соғлиқни сақлаш ходимларининг турмуш даражаси, уларнинг ижтимоий мавқеи ва касб нуфузини ошириш, ойлик иш ҳақини нормал ҳаёт тарзигача ошириш зарур деб ҳисоблаймиз. Акс ҳолда, буни таъсири нечоғлиқ аянчли бўлишини 2020 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ҳисоботидаги қуйидаги статистикалари орқали ҳам билиб олишимиз мумкин. Соҳада 2020 йилда 503 та текширишлар ўтказилган, ноқонуний ҳужжатларга нисбатан 1350 та протестлар келтирилган, аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 588 та тақдимнома киритилган, 4299 нафар шахслар огоҳлантирув эълон қилинган, 2436 нафар шахсларга нисбатан интизомий, 827 нафар шахсларга нисбатан маъмурий, 90 нафар шахсларга нисбатан моддий ишлар кўзғатилган, ихтиёрий қопланган зарар 1,1 млрд. сўм, судларга 12 та аризалар киритилган, жиддий қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 78 та жиноят ишлари кўзғатилган, 7308 нафар шахсларнинг ҳуқуқи тикланган.

Учинчидан, тизимдаги ахборот-коммуникация технологияларини кенг татбиқ этиш орқали бюджет шаффофлиги, тиббий хизмат кўрсатиш очиқлигини таъминлаш, бунда инсон омили аралашувини кескин камайтириш, давлат харидларида, хизмат кўрсатишда янги инноватцион

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил учун ҳисоботидан

технологияларни жорий этиш, электрон рецертлар асосида ишлаш орқали рақамлаштириш тартибини белгилаш ҳамда фармацевтика маҳсулотларини назорати ва бюджетдан фойдаланишда шаффофликни яратиш.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш тизими фаолиятининг очиклигини таъминлаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ва ташкилий-амалий чора-тадбирларни такомиллаштириш орқали фуқароларнинг маълумотлардан эркин фойдаланиш юзасидан ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақида хабардорликларини ошириш ҳамда давлат органлари томонидан ахборотни нашр қилиш учун ягона электрон тизимни жорий этиш.

Ўтган йил давомида шаффофликни таъминланмаганлиги натижасида Тошкент шаҳар, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидаги тиббиёт муассасаларида ўтказилган текширишларда кунлик қўшимча туловлар ва махсус қўшимча рағбатлангириш тўловлари бўйича *35,8 млрд. сўм*, давлат харидлари бўйича *20,8 млрд. сўм*, товар-моддий бойликлар ҳисобини юритишда *90,7 млрд. сўм* ва бошқа йуналишларда *4,9 млрд. сўмлик* молиявий хато ва камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланган³⁹.

Тўртинчидан, мажбурий тиббий суғуртани жорий этиш орқали давлат томонидан кафолатланган ягона тиббий хизматлар ҳажмининг беморлар ҳақ тўлаши назарда тутилган хизматлардан аниқ ажратилиши, фуқароларнинг тиббий хизматларга эҳтиёжини ўз вақтида ва сифатли қондиришга йўналтирилган соғлиқни сақлаш тизимини шакллантириш ҳамда тиббиёт хизматларини етказиб берувчилар орасида соғлом рақобатни ривожлантириш учун шароит яратиш лозим;

Бешинчидан, ҳуқуқий норматив жиҳатдан аҳолига бепул тиббий хизмат кўрсатиш тури ва сифатини аниқлаш, давлат назорати остида пуллик тиббий ёрдам кўрсатишни ҳуқуқий тартибга солиш, шаффоф дори сиёсатини шакллантириш, коррупцияни олдини олиш ва жиноий жавобгарликка тортиш тадбирларини амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини мустаҳкамлаш лозим.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил учун ҳисоботидан

Биргина Қўрғонтепа туман тиббиёт бирлашмаси мансабдор шахслари пуллик хизмат бўлимига **7 425 нафар** фуқаролар томонидан тўланган жами **473,8 млн** сўмни бўлим ғазнасига кирим қилмасдан, талон-торож қилишганлиги аниқланган⁴⁰.

Олтинчидан, аҳолининг тиббий хизматдан фойдаланишдаги ҳуқуқий маданиятини ошириш лозим. Фуқароларга тиббий хизматдан фойдаланишга оид тавсиялар ишлаб чиқилса, бунда тиббий хизмат маданияти билан бирга кўрсатилаётган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш қоидалари берилади. Ушбу йўриқнома асосида қўшимча тўловларни амалга ошириш тартиби, совға бериш тартиби ва миқдори белгиланиши керак. Шунингдек, нигоҳ тузиш учун тўлдириладиган мажбурий тиббий маълумотномалар⁴¹ни олишда янги ҳаёт остонасида турган ёш йигит-қизлар кейинги бир умрлик ҳаёти учун бир неча соат вақтларини қизғониб, турли коррупцион йўллар орқали «**расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар**» билан тиббий кўриклардан ўтмасдан маълумотномаларни қўлга киритмоқдалар. Бу билан кейинги умрларини таваккалчилик асосига қурмоқдалар.

Расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловлар деганда белгиланган тартиб-таомиллар бажарилишини таъминлаш ёки тезлаштириш, тегишли қонунчилик, нормалар ва қоидаларда наразда тутилмаган ҳаракатлар содир этиш учун ғайриқонуний равишда бериладиган пул маблағлари, мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, хизматлар ва бошқа номоддий наф⁴² тушунилади.

Шу боис, аҳолининг тиббий ҳуқуқий онги ва маданиятини оширишимиз, турли хилдаги шифокор навбатларини камайтириш, қисқа муддатда сифатли тиббий хизмат кўрсатилишини таъминлашимиз даркор.

⁴⁰ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил учун ҳисоботидан

⁴¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида”ги 25.08.2003 йилдаги 365-сонли қарори

⁴² Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 09.11.2020 йилдаги 288-сонли «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи

Коррупциявий жиноятлар тўғрисида аҳолининг кенг қатламларини хабардор қилиш ва онг-билимларини оширишда мақсадли тадбирларни амалга ошириш, хусусан:

мавзули аудио-, видеороликлар, баннерлар, плакатлар ва инновацион ахборот-тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда фуқароларда коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабат, коррупцияга қарши курашишнинг аниқ хулқни шакллантиришга қаратилган, коррупцияга қарши курашиш борасида кампанияларни ўтказиш;

сўровлар, ижтимоий ва бошқа тадқиқотлар асосида коррупцияга қарши курашиш тарғиботи ва таълими бўйича чора-тадбирлар натижалари ва таъсирини мунтазам равишда баҳолаш ҳамда унинг натижаларидан фойдаланиш.

Шунингдек, ёшларда коррупцияга қарши курашиш фаол дунёқараш ва мустақкам фуқаролик нуқтаи назарини шакллантирадиган чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан:

коррупцияга қарши курашиш мавзусида ижтимоий тадбирларга ёшларни кенг жалб қилиш (клублар, тўгараклар, форум ва бошқалар);

олий ўқув юртлари ва ёшларнинг бошқа вакиллари ҳисобидан кўнгиллилар гуруҳларини шакллантириш;

ёшлар ўртасида коррупцияга қарши курашиш мавзусида республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ўтказиш лозим.

Юқоридаги каби билимларни етишмаслиги натижасида Тиббиёт йўналишидаги таълим муассасаларига ўқишга киритиш билан боғлиқ **28 та** ҳолатда порахўрлик ва фирибгарлик жиноятлари фoш этилиб, **31 нафар** фуқаронинг ғайриқонуний йўллар билан ўқишга киришининг олди олинган.

Масалан, Навоий тиббиёт техникуми **директори** А.Ильясов фуқаро Н.Дўстмуродовани ўқишга қабул қилиш учун **500 долл.**, Афшона тиббиёт коллежи **ўқитувчиси** К.Ҳакимова фуқаро М.Бафоевни ўқишга киритиш учун **300 долл.**, Чуст тиббиёт коллежи **кадрлар бўлими ходими** С.Ортиқов

фуқаро Х.Эралиевани ўқишга жойлаштириш учун **400** долл. ва **2** млн сўм олган вақтида қўлга олинган⁴³.

Еттинчидан, соғлиқни сақлаш вазирлиги ва унинг қуйи бўғинларида ички хавфсизлик тармоғини ташкил этиш, ички ва ташқи аудит ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш. Бу орқали:

- хизмат вазифаларини бажаришда Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ Кодекси⁴⁴ тамойиллари ва талабларига қатъий риоя этиш;

- ўз хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада бажариш;

- юқори турувчи давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарор (топширик)ларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан мустақил бўлиш, фуқораларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

- ўз хизмат вазифаларини бажаришга тўсқинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкый ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

- норматив-ҳуқуқий ва идоравий ҳужжатларда белгиланган ички қоидаларга риоя қилиш, ўз хизмат вазифаларини лавозим ваколатлари доирасида оғишмай бажариш;

- ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришда шубҳа пайдо қилиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш, шунингдек, ўз обрўсига ёки

⁴³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил учун ҳисоботидан

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йилнинг 17 июлида 161-сонли буйруғига асосан

муассасанинг нуфузига зарар етказиши мумкин бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

- хизмат мавқеидан давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқоралар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

- давлат органида хабарлар ва хизмат ахборотларини тақдим қилишнинг белгиланган қоидаларига риоя этиш устидан назоратни амалга оширилишини таъминлайди.

Бундан ташқари, соғлиқни сақлаш фаолиятининг молиявий натижаларини очиқ берадиган, ички ҳамда ташқи аудит соҳасини белгилаш йўли орқали амалга оширилаётган назоратнинг самараси ҳақидаги маълумотлар, шу жумладан ички назорат ва ички аудит хизмати ходимларининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатини белгилайдиган мукамал тизим ишлаб чиқиш.

Саккизинчидан, Соғлиқни сақлаш тизимига ходимларни ишга қабул қилишда шаффоф механизмларни ишлаб чиқиш ҳамда ишга қабул қилинганидан сўнг ҳамда муайян вақт ўтганидан сўнг, касбий одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш, манфаатлар тўқнашувини бартараф қилиш ва коррупцияга қарши курашишнинг бошқа йўналишлари бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини мажбурий равишда ўташ тартибини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Тиббиёт муассасаларига, шу жумладан короновирусни даволаш шифохоналарига ишга қабул қилиш, лавозимни тайинлаш ва устама тўлашда тамагирлик билан боғлиқ **67 та** жиноят фош этилган.


Мазкур жиноятларнинг **7 таси** раҳбар ходимлар, **6 таси** шифокорлар, **54 таси** кадр, ҳамшира, фельдшер ва бошқа шахслар томонидан содир этилиб, жами **84,3 минг** долл. ҳамда **52 млн** сўм пора олинисига чек қўйилган.


Масалан, Зангиота юқумли касалликлар ихтисослаштирилган шифохонаси **бўлим мудир**и Ж.Миркамилов шифокорни навбатчиликка қўйиш учун **10 млн сўм**, Оҳангарон тиббиёт бирлашмаси **бошлиғи** Ш.Тоғаев ҳамширанинг лавозимини ошириш учун **200 долл.**, РШТЁМ Андижон филиали ходими М.Юлдашев **30 нафар** фуқароларни турли лавозимларга ишга қўйиш учун **16 850 долл.**, Булунғур туман тиббиёт бирлашмаси кадрлар бўлими ходими Ш.Аликулов фуқарони бирлашмага ишга қабул қилиш учун **600 долл.**, Хонқа тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси эса **1 200 долл.** пора сифатида олаётган вақтида ушланганлар⁴⁵.

Тўққизинчидан, соҳани назорат қилишда жамоатчилик назорати ҳамда касаба уюшмалари фаолиятини кучайтириш, бу орқали соҳадаги коррупциявий ҳолатларга қарши курашишда яхши самара беради.

Умуман олганда, соғлиқни сақлашдаги коррупция фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларининг катта миқдорда бузилишига олиб келади. Баъзи ҳолларда коррупция давлат ўз фуқароларига тақдим этиши шарт бўлган номигагина бепул хизматларни олишнинг ягона йўли бўлиб қолди. Тиббиётда коррупция нафақат жамиятда салбий маънавий-ахлоқий вазиятни шакллантиришга хизмат қилади, балки фуқароларга нисбатан камситишни ижтимоий мавқеидан келиб чиқиб чуқурлаштиради, давлат бошқаруви тизимига ҳалокатли таъсир кўрсатади ва мамлакатнинг иқтисодий ўсиш имкониятларини камайтиради.

Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишнинг механизми.





Биринчи боб бўйича хулоса

Коррупция иқтисодиёт ва ижтимоий ҳаётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, бу авваламбор ҳокимият ва маъмуриятнинг емирилишини келтириб чиқаради. Бобда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ишга кириш учун номзодларни аризани тўғридан тўғри сайтга жойлаштириш тартибини жорий этиш. Ҳозирда ариза бериш кадр бошлиғи ёки бошлиқлар томонидан берилаётган ва коррупция ҳавфини кучайтираётган бўлса, тўғридан тўғри сайтга ариза бериш йўлини қўллаш орқали бу ҳавфни олди олинарди;

2. Тўғруқ ва болалар муассасаларида коррупция ҳолатларини олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш мақсадида ҳомиладор аёллар ва оналар ўртасида аноним сўровномалар ўтказиб бориш ҳамда тўпланган маълумотлар таҳлили асосида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар таҳлилин амалга ошириш;

3. Соғлиқни сақлаш марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари таркибдаги **Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси штат бирликлари сонини ошириш;**

4. бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ишлаб чиқилиб, унга эришилганлиги мониторинг қилинадиган ҳамда натижаларига қараб қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланадиган тизим яратиш;

5. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг улар малакаси, кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб тоифаланган замонавий механизмларни жорий этиш, шу асосда қўлланилаётган тармоқ тариф сеткаси ўрнига тиббиёт ходими фаолияти натижалари қараб жон бошига молиялаштиришнинг тегишли мезонларига кўра тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари ва ўзгарувчан мукофот ставкаларини жорий этиш лозим. Буни натижасида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида билимли ва малакали кадрларга бўлган талаб кучаяди.

II БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШГА ОИД ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР ҲАМДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ

2.1-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишда халқаро ташкилотларнинг тавсиялари мазмуни

Коррупция – анча мураккаб, кўп қиррали тузилишга эга бўлган, турли мазмундаги турли шаклларда намоён бўладиган салбий ижтимоий ҳодисадир. Ҳақиқатда коррупция турли жиноятлар ва расмий лавозимдан фойдаланган ҳолда содир этилган ғаразли бошқа ҳуқуқбузарликлар билан ифодаланади.

Унга қарши курашишда нафақат хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси, балки халқаро ташкилотлар томонидан маъқулланган қоида ва тавсиялари муҳим ўрин тутаяди.

Халқаро стандартлар халқаро миқёсда қабул қилинган давлатлар ичкарисидаги фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қоидалар, талаблар, асосий қоидалар даражаси мамлакатлар ва халқаро миқёсда универсал қоидалар йиғиндисидаир.

Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пактнинг 12-моддасида инсониятнинг халқаро стандартлар асосида соғлом ҳаёт кечириш учун имкониятларни яратиш асосий ҳуқуқлардан бири сифатида кўрсатилган. Лекин, коррупция – инсонларни нормал турмуш тарзини бузадиган, тенгсизлик ва очликка йўл очадиган иллатдир.

Соғлиқни сақлаш тизими жуда мураккаб ва нозик соҳа бўлиб, ундаги коррупцион ҳолатларга қарши курашиш ҳам осон кечмайди. Шу сабабли, **«биргина коррупцион хавфга нисбатан бир нечта қарши курашиш йўллари яратиш»⁴⁶**лозим. Бундан келиб чиқадикки, коррупцияга қарши курашишда ички тизимни такомиллаштириш нафақат миллий тажриба асосида, балки халқаро доирадаги ташкилотларнинг ҳужжатлари, уларда кўрсатилган тавсиялар ҳамда хорижий давлатларнинг илғор тажрибасини

⁴⁶ United Nations Development Programme “Fighting corruption in the Health sector methods, tools and good practices” 7 page

ўрганиш ҳамда амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Соҳадаги коррупциявий қонунбузарликлар натижасида ҳар йил дунё бўйича 140 минг болалар ўлими⁴⁷ рўй беради. Бу эса **А.Б.Тихомиров** таъбири билан айтганда беморнинг ўлими билан тугайдиган тиббий хизматларни кўрсатиш инсонгарчиликдан чиқишнинг белгилари⁴⁸ деб таърифлайди.

Еврова Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг 1997 йил 6 ноябрдаги сессиясида **«Коррупцияга қарши курашишнинг йигирмата принциплари»** деган ҳужжат қабул қилинди. Унда белгиланган қоидаларнинг барчаси долзарб масалалардир. Улардан бири 4-принцип қуйидагича ёритилган: «Коррупция ходисалари натижасида олинган даромадларни мусодара қилиш ва улардан маҳрум қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш» мажбурийлиги юклатилган. Бизнингча, мамлакат жазо тизимига **«мусодара қилиш»** жазо турларидан бири сифати киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Бутун дунёда ҳар йили соғлиқни сақлаш тизимидаги ўғирлик, ўзлаштириш каби коррупциявий жиноятлар туфайли 3 триллион доллар зарар етказилади. Бу соҳага ажратилаётган маблағларнинг 10-25% фоизини ташкил этади. Бу каби ачинарли ҳолатлар Ҳалқаро ташкилотларни фаолиятини такомиллаштиришни талаб этди. Тиббиётдаги коррупцияни жиловлаш ва унга қарши курашиш учун Бутутжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти **2004-2007 йилларга мўлжалланган Стратегияни** эълон қилди⁴⁹. Бу Стратегия **Тиббиёт тизимидаги Яхши бошқарув** деб номланиб, коррупцияни камайтириш учун асосий мақсадлар қуйидагилар этиб белгиланди:

- 1) фармацевтикада шаффоф дастур яратиш;
- 2) маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш;
- 3) коррупциявий ҳуқуқбузарлик тўғрисида хабар бериш;

⁴⁷ World Health Organization “Reinforcing the focus on anti-corruption, transparency and accountability in national health policies, strategies and plans” 1 page

⁴⁸ А.В. Тихомиров коррупция в здравоохранении журнал "Главный врач: хозяйство и право" №6 за 2009 г.

⁴⁹ <https://www.who.int/medicines/areas/policy/goodgovernance/GGM.pdf>

4) соҳа ходимлари ўртасида ахлоқ қоидаларини кенг ўрнатиш тартиби белгиланди. Шу белгиланган вазифалар мамлакатимизда ҳам босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Масалан, соҳада шаффофликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 февралда «Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш ва ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча тартиб-тамоийилларни қисқартириш, аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт ходимларининг иш самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган рақамли трансформация қилиш дастурларини самарали амалга ошириш мақсад қилинди. Шунингдек, Тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ўзида қамраб олувчи **СОҒЛИҚНИ САҚЛАШНИНГ АХБОРОТ ТИЗИМИ ЯГОНА ПЛАТФОРМАСИНИ** жорий этиш тартиби белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлган Коррупцияга қарши курашиш бўйича **Истанбул ҳаракатлар режасининг** 4-раунд 14.7 тавсиясида⁵⁰ ҳам иштирокчи давлат томонидан коррупция ҳолатлари тўғрисида хабар бериш ва хабар берувчиларни ҳимоя қилиш қоидаларини қабул қилиши кўрсатиб ўтилган. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилдаги Коррупцияга қарши курашиш бўйича Истанбул ҳаракатлар режасининг 4-раунд мониторинги ҳисоботида⁵¹ кўра, 14.7-тавсиясида назарда тутилган қоидалар статистик йиғилган маълумотлар йўқлиги сабабли, кузатув гуруҳи ушбу қоидалар амалда қўлланиладими ёки йўқми деган ҳулосага кела олмаганлиги ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни⁵² қабул қилиниши орқали 14.7-тавсия расмий бажарилган бўлса-да, белгиланган нормалар коррупция ҳолатлари тўғрисида

⁵⁰

⁵¹ [3.https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf](https://www.oecd.org/corruption/acn/OECD-ACN-Uzbekistan-4th-Round_Monitoring-Report-2019-RUS.pdf)

⁵² <https://lex.uz/docs/3088008>

хабар берувчи шасхларни химоясини етарли даражада таъминлай олмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Шундан сўнг, Халқаро ташкилотларнинг тавсияларни яна бир кўриниши сифати коррупцияга қарши кураш борасидаги ишларнинг давоми сифатида Вазирлар Маҳкамасининг **«Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»** қарори қабул қилинди. Ушбу **“Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”**ги Низом **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги Қонунга мувофиқ жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ҳамда коррупцияга қарши курашиш **самарадорлигини янада ошириш мақсадида** ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, **тиббиёт деонтологияси – тиббиёт ходимларининг бурчи, одоби ҳақидаги фан бўлиб, шифокорлар, ҳамширалар ва кичик тиббиёт ходимлари учун маънавий ва мафкуравий дастурамалдир. Яна шу ўринда таъкидлаш муҳимки, тиббиёт ходимларининг ўз касбий мажбуриятларига риоя этишини таъминлаш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатлари юзага келишининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастурининг 5-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йилнинг 17 июлида 161-сонли буйруғига асосан, «Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ кодекси» тасдиқланди.**

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти дунёда барча халқларнинг саломатлигини яхшилашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган шу соҳага ихтисослаштирилган халқаро ташкилот. Бу мақсадга эришиш йўлида Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти давлатларга соғлиқни сақлаш соҳасида сиёсатни ишлаб чиқиш, мақсад ва стратегияларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдам беради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияни камайтиришни асосий йўли сифатида 3 хил йўналиш белгиланган. Булар:

1. **Шаффофлик;**
2. **Жавобгарлик;**
3. **Жамоатчилик назорати**⁵³.

Шаффофлик – соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишончли ахборотларни жамоатчилик ихтиёрига ҳеч қандай чекловларсиз ўз вақтида кузатиб туриш имконияти. Жавобгарлик эса ҳар бир ҳисобот ва берилган ҳар қандай маълумот учун жавоб бериш мажбурияти. Бу икки атама ўзаро ички боғланишга эга. Шаффофликни коррупцияни аниқлашдаги ўрнига нисбатан «**қоронғу бурчаклардаги ноўрин ёруғлик**» деб таъриф берилишининг ўзи ҳам буни коррупцияга қарши курашда ўрни беқиёс эканлигини англатмоқда. Бу орқали ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқ ва ваколатларини тўлиқ англайди, қабул қилинган қарорларни қандай ва нима учун қабул қилинганлигини тушуниб етади. Жавобгарликда эса қарор қабул қилишга ваколатли бўлган шахслар томонидан амалга оширилган хатти-ҳаракатларни белгиланган стандартларга мувофиқлиги, акс ҳолда бу учун шахсий жавобгарлик масаласи кўрилишидир. Агарда юқорида берилган уч фактор: шаффофлик, жавобгарлик ҳамда жамоатчилик иштироки бўлган тақдирда маъсулият ҳисси ошган ва коррупцион ҳолатлар учун йўллар сезиларли даражада камаяди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти соҳадаги стратегияларидан бири Миллий соғлиқ бўйича сиёсат, стратегиялар ва режалар(The NHPSP process)

⁵³ World Health Organization “Reinforcing the focus on anti-corruption, transparency and accountability in national health policies, strategies and plans” 2 page

бошқармасидир. Бундан кўзланган мақсад аҳолига кўрсатмалар бериш, вазиятни баҳолаш ва таҳлил қилиш, стратегик планлар, ҳаражатлар ва уларни баҳолаш каби ишлар билан бирга, бошқарма коррупцияга қарши курашиш, шаффоф тизим ҳамда жавобгарлик муҳитини яратишни ўз олдига асосий вазифа этиб белгилаган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг конвенциялари, Европа Кенгаши коррупцияга қарши жиной жавобгарлик тўғрисидаги Конвенция, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг халқаро порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси ва шу каби ҳужжатларда коррупция барча мамлакатларга таъсир кўрсатувчи трансмиллий ходисага айлангани қайд этилиб, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашишда халқаро ҳамкорликнинг муҳим аҳамиятини очиқ беради.

Бугунги кунда Халқаро ҳамжамият фикрича, деярли барча мамлакатлардаги соғлиқни сақлаш тизимлари коррупцияга қарши курашишда реал қобилияти йўқлиги ҳамда соҳада унга қарши курашишда мукамал механизм яратилмаганлигидан хавотирда.

БМТнинг UNDP(United Nations Development Programme) дастурига кўра, Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш кераклигини таъкидлаган:

1. Соғлиқни сақлаш тизими ўз ичига коррупцияга қарши курашиш тартибини белгилаши лозим;
2. Соғлиқни сақлашда коррупцияга қарши курашишда ягона йўл билан қарши курашиб бўлмаслиги;
3. Биргина коррупцион хавфга нисбатан бир нечта қарши курашиш йўллари яратиш;
4. Бошқа соҳалар билан биргаликда қарши курашиш;
5. Оқибатлари билан курашгандан кўра, уни олдини олган яхши;
6. Турли хилдаги тажриба текширишларини ўтказиш;

7. Ҳамкорлар билан бирга коррупцияга қарши кураш билан боғлиқ стратегиялар ва йўналишларини имплементация қилиш тажрибаларини ўтказиш;

8. Тизимда кенг қамровли режалар ва йўл хариталари ишлаб чиқиш;

9. «Яхши ҳулқ рағбатлантирилиши ва ёмон ҳулқ эса жазоланиш керак»⁵⁴ тамойиллари асосида иш юритиш лозим.

Тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муносабатларнинг иштирокчиларининг катта қисми: тўловчилар, таъминотчилар ва беморлар, улар орасидаги воситачилардир. Муомалада бўлган катта миқдордаги пуллар, тизимнинг мураккабликлари, назоратнинг чекланганлиги соғлиқни сақлаш тизимидаги коррупциявий жиноятларни осонлик билан амалга оширилишига йўл қўйиб беради.

БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларининг соғлиқни сақлаш билан бевосита боғлиқ учта муаммо: болалар ўлимини камайтириш, оналар саломатлигини яхшилаш ва ОИВ/ОИТСга қарши кураш деб номланиши муҳим аҳамиятга эга. Бироқ, Жаҳон ҳамжамияти энди ўз режаларини ўз вақтида бажаришга вақт топа олмаётганининг асосий сабабларидан бири коррупциядир.

Биз соғлиқни сақлаш соҳасида ишлаётган одамларни кўп ҳалол, ўз бурчини виждонан бажармоқда деб тахмин қиламиз. Бироқ, соҳада порахўрлик ҳамда турли турдаги мансаб лавозимини суиистеъмолликлар қамраб олган.

2009 йил декабр ойида Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) жаҳон миқёсида соҳадаги коррупция даражасини камайтиришга қаратилган: "Дори-дармонлар: фармацевтика саноатидаги коррупция" деган чақириқ билан чиқди⁵⁵.

⁵⁴ United Nations Development Programme "Fighting corruption in the Health sector methods, tools and good practices" 7 page

⁵⁵ <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs335/ru/index.html>

ЖССТ ҳисоб-китобларга кўра, йиллик global соғлиқни сақлаш харажатлари тахминан \$ 5.7 trillion, шундан \$ 750 миллиард фармацевтика бозорида сарфланади. Коррупциявий ҳолатлар туфайли ушбу маблағларнинг 10%-25% давлат харидлари (шу жумладан фармацевтика харидлари) давомида йўқолади.

Европа Соғлиқни сақлаш фирибгарлик ва коррупция тармоғи ҳамда фирибгарликка қарши кураш маркази мутахассисларининг фикрича, жаҳон соғлиқни сақлаш кўмитаси коррупция туфайли ҳар йили 260 миллиард АҚШ долларига яқин маблағни йўқотади. Биргина Европа Иттифоқида ҳар йили соғлиқни сақлаш учун тахминан 1 триллион доллар сарфланади ва унинг тахминан йилига 56 млрд евро фирибгарлик ва коррупция туфайли соғлиқни сақлаш бюджетларидан йўқолади.

Европа Соғлиқни сақлаш фирибгарлик ва коррупция тармоғига аъзо 6 мамлакатда ўтказилган тадқиқот ҳар йили фирибгарлик туфайли йўқотиладиган умумий миқдор миллий соғлиқни сақлаш бюджетларининг тахминан 5.6% ни ташкил қилади.

Халқаро ҳамжамиятлар бевосита даҳшатли қарама - қаршилиқни кузатади-коррупция янада кенг тарқалган мамлакатларда болалар ўлими кўрсаткичлари юқори. Дори-дармонларнинг етишмаслиги ва сохта ва сифатсиз дори-дармонларнинг мавжудлиги беморларнинг азоб-уқубатларига олиб келади ва уларнинг ҳаётига бевосита таҳдид солади. Коррупция бевосита давлат институтларига жамоатчилик ишончини сусайтиради.

Жаҳонда коррупция ҳолати бўйича **Transparency International** Ташкилотининг 2021 йилги ҳисоботида COVID-19 пандемияси **нафақат соғлиқни сақлаш ва иқтисодиётдаги инқирозни кучайиб кетишига, балки барча соҳаларда коррупциявий ҳолатлар авж олишига туртки бўлгани**, оқибатда минглаб инсонлар, айниқса куйи қатлам вакиллари юқори малакали тиббий кўмак олиш имкониятидан маҳрум бўлиб, оналар ва гўдаклар ўлими, саратон, диабет, юрак-қон томири тизими, нафас олиш йўллари касалликлари ва бошқа ўлимлар сони кескин кўпайди.

Экспертларнинг фикрларига кўра, дунёда қалбаки дори воситаларини сотишдан тушган даромад йилига 75 миллиард АҚШ долларини ташкил этади⁵⁶. Бу эса ноқонуний қурол-яроғ бозори ва гиёҳванд моддалар сотишдан тушган даромадлардан кейинги учинчи ўринда «сердаромад» йўналишидир.

Мамлакатимизда коронавирус инфекциясини даволашда фойдаланиладиган дориларни ноқонуний муомалага киритиш билан боғлиқ **146 та** ҳолат аниқланиб, **36 та** жиноят иши ва **98 та** маъмурий иш қўзғатилган, **7,5 млрд** сўмлик дорилар ашёвий далил сифатида олиб қўйилган⁵⁷.

Мисол учун, “Hurshida Enter Delux” МЧЖ менежери Ш.Сабилова “Мадина Фарм Сервис” МЧЖга чиқим қилинганлиги тўғрисида сохта ҳисоб-фактурага асосан 30 қути “Арепливир”, 30 қути “Авифавир” дориларини жами **141 млн** сўмга фуқаро Б.Қобулжоновга сотган вақтида ашёвий далиллар билан ушланиб, жиноят иши қўзғатилган.

Шу каби, Янгийўл туманида фуқаро Ж.Абдусаломов **200 қути** “Ремдесевир” дорисини **170 млн** сўмга, Андижон шаҳрида фуқаро М.Джуманова **100 қути** “Арбидол” дорисини **35 млн** сўмга, **412 қути** “Меропенем” дорисини **82 млн** сўмга, Олмазор туманида фуқаролар Н.Рахматов ва М.Ахмедовлар **200 қути** “Арбидол” дорисини **64,7 млн** сўмга қонунга ҳилоф равишда, ҳеч қандай ҳужжатларсиз муомалага киритаётган вақтда қўлга олиниб, жиноят ишлари қўзғатилган.

Ҳозирги кунда соғлиқни сақлашда коррупцияга қарши курашувчи қатор халқаро ташкилотлар мавжуд. ЖССТдан ташқари қуйидагилар:

- Европа соғлиқни сақлаш фирибгарлик ва коррупция тармоғи (European Healthcare Fraud and Corruption Network, EHFCN);
- Буюк Британиядаги Портсмут университети қошидаги Фирибгарликка қарши курашиш маркази (Center for Counter Fraud Services, CCFS);
- Соғлиқни сақлаш тизимлари ва сиёсати Европа обсерваторияси.

⁵⁶ <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs335/ru/mdex.html>

⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2020 йил учун ҳисоботидан

2005 йилда Лондонда ўтказилган Европада соғлиқни сақлашдаги фирибгарлик ва коррупция масаласида конференция бўлди. Форумда ЕИга аъзо 20 давлатдан 150 дан ортиқ делегат иштирок этди. Анжуманда кўтарилган асосий масалалар тиббий туризм" (бир мамлакатдан келган алоҳида фуқаролар арзонроқ ёки бепул тиббий ёрдам олиш учун келганида) учун келганда уларни фармацевтика компанияларининг фирибгарлиги ва виждонсизлигини қутқариш масаласи кўрилган.

ЖССТ мутахассисларига кўра, коррупцияни камайтириш учун дори занжиридаги ҳар бир бўғинлардаги "чегара ва мувозанатлар" керак. Яхши бошқарув шаффофлик, жавобгарлик, институционал яхлитликни кучайтириш ва ахлоқий етакчилик муҳим ўрин тутуши белгиланган⁵⁸.

Дарҳақиқат, ЖССТнинг тавсиясига кўра, дунё мамлакатлари учун соғлиқни сақлаш соҳасининг очиқлиги ва шаффофлиги ўта муҳим. Давлат бошқаруви органлари ва соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш органлари соғлиқни сақлаш соҳаси бюджетлари ва миллий, маҳаллий ва тиббиёт муассасалари даражасидаги ишлар самарадорлиги тўғрисидаги маълумотларни оммавий ахборот воситаларида ва Интернетда эълон қилишлари лозим. Бу, айниқса, давлат харидларини ўтказишда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарининг фаолияти ошқора ҳисобдор бўлиши лозим.

Шунингдек, маълумотлар базасида жамоатчилик учун очиқ бўлган барча дори-дармонлар клиник натижалари ҳақида маълумот яратилган бўлиши керак ва фармацевтика компаниялари дори-дармонлар клиник бўйича очиқ ҳисоботларни тақдим керак.

Давлат соғлиқни сақлаш сиёсати, амалиёти ва тегишли харажатлар доираси давлат ва парламент назорати учун очиқ бўлиши керак, бюджетни шакллантириш, ижро этиш ва ҳисоботнинг барча босқичлари ҳақида маълумот фуқаролик жамиятига тақдим этилиши керак.

⁵⁸ Лекарства: коррупция в фармацевтической отрасли. Информационный бюллетень №335. Декабрь 2009 г. // <http://www.who.int/mediacentre/factsheets/fs335/ru/index.html>.

Мустақил органлар, фуқаролар иштирокида, кўрсатилган хизматлар, иш ҳақи ва хизмат кўрсатган беморлар сони асосида тўловга асосланганлигидан катъи назар, тўлов механизмларини кузатишлари лозим.

Тиббий лицензия бериш учун масъул органлари (дори-дармонлар ва тиббий асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилари билан муносабатлар билан боғлиқ, хусусан) қизиқтирган бир можаро тақдирда шифокорлар ҳаракатларини тартибга солувчи аниқ қоидалар ишлаб чиқиш керак. Ўз навбатида, бу органлар бундай қоидаларга риоя қилишни таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни олишлари керак.

Европа Соғлиқни сақлаш тизимлари ва сиёсати обсерваторияси жиддий таҳлилга асосланиб, барча мамлакатлар учун мос келадиган ягона ислохотлар стратегияси мавжуд эмас, деган хулосага келди, аммо бу муаммоларни ҳал қилишда муваффақиятга эришган мамлакатларнинг илғор тажрибасини имплементация қилиш бугунги кунни долзарб вазифаларидандир.

2.2-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича хориж тажрибаси

Коррупция иқтисодиёт ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, бу авваламбор ҳокимият ва маъмуриятнинг емирилишини келтириб чиқаради.

Соғлиқни сақлаш тизимида коррупция турларининг тизимли ва мақсадли олдини олиш мақсадида алоҳида давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Мисол учун, Молдова давлати тажрибаси эътиборга молик саналади, **«Бемор ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳақидаги Қонун ва Шифокор мажбуриятини амалга ошириш ҳақида»**ги Қонун қабул қилинган бўлиб, ҳужжатлар мазмуни коррупцияни олдини олиш ва тиббий хизматлар сифатини яхшилашдан иборат. Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупцияга қарши курашиш ва олдини олиш бўйича Миллий стратегияни амалга ошириш Режаси асосида Молдова Республикаси Бошланғич режасида

кўзда тутилган мақсадларни амалга ошириш кўзда тутилган. Эслатиб ўтиш жоизки, ушбу ҳужжатлар АҚШнинг "Millennium Challenge" дастури доирасида қабул қилинган.

Молдовада коррупция қарши турли соҳаларда чора-тадбирлар амалга оширилади, мазкур амалиёт маъмурий ошкоралик тамойилини амалга ошириш орқали фуқароларни ижтимоий аҳамиятга молик маълумот ва ахборот билан таъминлаш(бўш иш ўринлари, пуллик хизматлар нархи тарифлари, мутахассислар ҳақида маълумот, телефон рақамлари билан), коррупцияни олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш ва тиббиёт муассасалари ходимларини ишга жойлаштириш ва рағбатлантириш кўзга ташланади. Ҳалқаро талабларга риоя қилган ҳолда, Молдовада Тиббиёт ходими ва фармацевтнинг этика кодекси қабул қилинган бўлиб, мазкур ҳужжат пресс-релизлар, репортажлар ва соғлиқни сақлаш вазирлигининг веб-саҳифасида эълон қилиниб, унга нисбатан аҳоли, мутасадди ташкилотлар ва соҳага оид ассоциацияларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга олинади⁵⁹.

Шунингдек, кўшни **Қозоғистон** давлатининг соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида амалга ошираётган ишлар эътиборга моликдир. Масалан, Қозоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий сайтида алоҳида каталог ваканция учун ажратилган бўлиб, ишга ариза ва бошқа керакли маълумотларни сайтга тўғридан тўғри жойлаштириш имконияти мавжуд. Бу эса шаффофлик ва очиқликни таъминлаш, ишга киришдаги порахўрлик, қариндош-уруғчилик каби нохуш ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, номзод давогар лавозимида қараб имтиҳон учун ўқиш тавсия этиладиган норматив ва адабиётлар рўйхати ҳам шакллантирилган. Унда имтиҳон шакли, ўтказиш тартиби, намунавий саволлар рўйхати каби маълумотлар тўлиқ ёритилган.

⁵⁹ Коррупцию можно победить усилиями всего общества Интервью с замминистра здравоохранения М. Буга // URL: <http://www.nm.md/daily/article/2008/01/15/0303.html>[по состоянию на 20.08.2012 г.].

Энг эътиборли томони шундаки, соғлиқни сақлаш тизимини тартибга солиш, соҳага оид коллизиялар ҳолатлар ва бир хилликни таъминлаш мақсадида соҳага оид кодекс проекти ишлаб чиқилиб, ҳозирда муҳокама жараёни кетмоқда. Унда, тизимдаги донорлик, давлат назорати, фармацевтика, кадрлар билан боғлиқ масалалар, халқаро алоқалар каби боб ҳамда параграфлардан иборат.

Ҳозирда мамлакатимизда тиббиёт соҳасида ўрта маълумотли кадрларни мақсадли тайёрлаш тизими тўғри прогнозлаштирилмагани туфайли ўрта махсус маълумотли кадрларнинг республикада мавжуд штат бирликларига нисбатан номуносиб тарзда кўплиги юзага келган. Яъни, ҳамширалар сони мавжуд иш ўринларига нисбатан бир неча баробар ортиб кетгани сабабли ўрта тиббий маълумоти бўйича дипломга эга кўплаб ёшларни иш билан таъминлашда муаммолар юзага келиб, чекланган сондаги штатларга ишга киришда коррупцион хавф-хатарни юзага келтирмоқда.

Шу сабабли келгуси ўқув йиллари учун ўрта махсус тиббиёт ходимларини тайёрлайдиган тиббиёт коллежларига ажратиладиган қабул квоталари сонини мавжуд эҳтиёждан келиб чиқиб қайта кўриб чиқиш лозим деб ҳисоблаймиз.

Олимлар **Польша** тиббиётида коррупция схемалари куйидаги кўринишларга бўлиб ўрганилади: беморлар ва шифокорлар; беморлар ва шифохоналар; шифокорлар ва фармацевтлар; шифокорлар ва фармацевтика фирмалари; касалхона ва фармацевтика фирмалари; фармацевтика фирмалари ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги; хусусий клиникалар ва соғлиқни сақлаш фондлари ва Миллий Соғлиқни сақлаш жамғармаси. Деярли барча мамлакатларда тиббий ёрдам учун норасмий тўловлар (пора) муаммоси мавжуд⁶⁰.

Баъзи мамлакатларда, коррупция тиббий ёрдам кўрсатишда инсонларнинг тиббий хизматни қабул қилишига сезиларли пасайишига,

⁶⁰ Пулкарров А.В. Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия коррупции в сфере здравоохранения. Диссертация. Москва. 2013

хатто қобилиятини йўқотилишига ҳам таъсир қилади. Хусусан, **Тожикистон**да касалхонага беморларнинг 70% дан ортиғи жуда оғир касалликларни даволаш учун қарз олиш, уй ҳайвонларини ва бошқа мол-мулкни сотиш, шахсий истеъмолини камайтириш ёки қариндошлари ёрдам излашади. Қолган 30% бемор даволаниш учун зарур маблағи мавжуд эмаслиги сабабли касалхонага ётишни кечиктиришга мажбур бўлади.

Ҳозирги кунда норасмий тўловлар кўплаб мамлакатларда кенг тарқалган бўлиб, барча мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш тизимларидаги поралар ноқонуний деб тан олинади, чунки улар соғлиқни сақлашни молиялаштиришга, хусусан шаффофликка, молиявий ҳимояга, тиббий ёрдамни қабул қилиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

Айрим мамлакатларда порахўрлик фақат беморлар ва шифокорлар учун ноқулай бўлган ноқонуний амалиётлар сифатида қаралса, бошқа мамлакатларда порахўрликка қарши кураш давлат сиёсати доирасида, ҳукумат ва вазирликлар даражасида коррупцияга қарши курашдан бошланади.

Турли мамлакатларда коррупцияга қарши қўлланиладиган чоралар бир хил эмас, уларнинг айримларини кўриб чиқайлик.

Аввало, бизнинг фикримизча, турли мамлакатларда соғлиқни сақлашда коррупцияга чинакамига қарши тура оладиган муҳим чора, самарадорлик асоси жазонинг муқаррарлигидир.

Баъзан беморнинг ўлимига олиб келган ёки унга оғир тан жароҳати етказган ва оғир оқибатларга олиб келган соҳадаги жиноятлардан кўра, коррупциявий жиноятлар учун оғирроқ жазо чоралари қўлланилиши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 10-моддасида белгиланганидек «Қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт». Бу эса ҳуқуққа хилоф қардай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик қонунга муқофиқ ва белгиланган тартибда кўриб чиқилиши лозим.

Руминияда ноқонуний ҳақ олиш учун жавобгарлик масаласи мамлакатимиздаги каби бўлиб, Руминия Жиноят кодексининг 256-моддаси "пора" бевосита ёки билвосита, пул ёки бошқа имтиёзлар кўринишида ходим томонидан қабул қилиш ва унинг расмий вазифаларининг бир қисми бўлган ва у бажариши шарт бўлган ҳаракатни амалга оширганидан кейин" жавобгарликни назарда тутди. Қилмиш 6 ойдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Фарқли ўлароқ, пул, қимматбаҳо буюмлар ёки олинган бошқа товарлар мусодара қилинади ва агар улар топилмаса, маҳкум уларнинг қийматини пулда қолайди. Шу билан бирга, агар ходим ўз ноқонуний вазифаларининг бир қисми бўлган ҳаракатларни бажаришдан олдин тўланмаган ҳақ олишни талаб қилса, унинг ҳаракати пора олиш сифатида малакаланади⁶¹.

Бизнинг фикримизча, мусодара – жуда самарали йўл бўлиб, кўплаб мамлакатлар уни коррупцияга оид жиноятлар учун жазо сифатида ишлатишдан бош тортмайдилар, жумладан АҚШ Федерал қонуни мол-мулкни мусодара қилишнинг икки томонлама механизмини назарда тутди: жиноий мусодара – мулк эгасига нисбатан суд ҳукми асосида ва судланмасдан амалга оширилиши мумкин бўлган жиноий бўлмаган мусодара.

Мусодара қилишдан ташқари, Қўшма Штатлар интизомий чоралар тизимини ўрнатган, бу лавозимдан четлатиш, меҳнат мажбуриятидан вақтинчалик четлатиш ёки федерал амалдорларнинг бошқа ишига ўтишни назарда тутди. Бу каби қоида **Германияда** ҳам белгиланган бўлиб, пора олиш натижасида бир лаҳзада мансабидан, имтиёзларидан, жумладан кафолатланган пенсия олиш ҳуқуқидан маҳрум этилиши мумкин.

Америка Қўшма Штатларида жиноятларни аниқлаш, тергов қилиш ва жиноий жавобгарликка тортиш ҳуқуқига эга бўлган кўплаб муассаса ва идоралар ташкил этганлиги мазкур ҳолатнинг ижобий томони эканини тан олиши керак, бу эса ҳукуматнинг барча даражаларида коррупция хавфи

⁶¹ Dobrinou V , Conea N Dreptul penal Partea speciala Lumina LEX, Bucuiesti, 2000 Vol II C 134

мавжудлиги ҳақида огоҳ эканлигидан бу муаммони ҳал қилиш учун ажратилган катта миқдордаги ресурслардан далолат беради.

Эътиборли жиҳати, **Болгарияда** жиноий фаолият натижасида олинган мулкни аниқлаш бўйича махсус комиссия ташкил этилган⁶². Бу эса коррупциявий жиноятларни очишда тез ва самарали бўлишини таъминлабгина қолмасдан, адолат қарор топишига хизмат қилади.

Бунда, 2004 йилда ноқонуний дори савдоси соҳасида коррупцияга қарши курашиш бўйича бир қатор чора-тадбирларни амалга оширган **Тайланд** тажрибасидан фойдаланиш мумкин.

Биринчидан, сифатли дори-дармон сотиб олиш харажатларини камайтириш учун дори-дармон савдоси билан шуғулланувчи энг яхши амалиётларни қўллайдиган шифохоналар сони кўпайтирилди ва шифохоналар томонидан дори-дармон сотиб олиш учун дори воситалари ва уларни етказиб берувчиларнинг келишилган рўйхатига мувофиқ қўшма схема яратилди.

Иккинчидан, миллий фармацевтика қонунлари ва қоидалари қайта кўриб чиқилди ва дори-дармонлар соҳасини самарали бошқариш бўйича миллий маълумотлар базаси яратилди, шунингдек ноахлоқий ҳаракатлар ва коррупция ҳолатларига оид нашрлар ва мақолалар чоп этилди.

Учинчидан, маълумотлар олиш йўллари ва усуллари кенгайтирилди: ахборотномалар, оммавий ахборот воситалари хабарлари, брошюралар ва веб-саҳифалар яратилди; дори-дармонлар бўйича ташкил этилган миллий учрашувлар ҳақида маълумотлар ёритилди; «тўғри бошқарув» номли фан 15 та фармацевтика факультетлари ўқув режасига киритилди⁶³.

Соғлиқни сақлаш расмийлари фаолиятининг очиқлиги жуда муҳим, масалан, **Аргентина** ўтказилган бир тадқиқот Соғлиқни сақлаш вазирлиги дори сотиб олиш учун шифохоналарда харажатлар ҳақида маълумот бера

⁶² Резюме докладов стран : Конференция государств -участников Конвенции Организации Объединенных Наций против коррупции // URL: http://www.sartracc.ru/Pub_inter/unvscorr.files/V1_185263r.pdf [по состоянию на 1.09.2012 г.]

⁶³ Целевое исследование в Таиланде: надлежащее управление и предотвращение коррупции// URL: http://www.who.int/features/2010/medicines_thailand/ru/print.html. [по состоянию на 20.08.2012 г.]

бошлади кейин, шифохоналар дори сотиб нархларда фарқ 50% га тушиб кетди, деб кўрсатди.

Исроил давлати соғлиқни сақлаш тизими дунё тиббиётида олдинги ўринлардан жой олгани бежиз эмас. Қуйидаги асослар яна ҳам фикримизни мустаҳкамлайди:

- тиббиёт тизими ходимлари учун халоллик тўғрисида қонунни қабул қилинган;

- сотувдаги дориларнинг ишончили ёки ишончсизлиги, беморни алданиб қолмаслигини олдини олиш мақсадида экспертизадан яхши хулоса берилмаган дори-дармон воситалари ҳақида маълумотларни сайтга жойлаш орқали огоҳлантириш механизми юритилади;

- соҳадаги коррупцион ҳолатлар тўғрисида хабардор қилиш механизми жорий этилган бўлиб, бу жараён «сирли мижоз» тадбирлари, беморлардан аноним сўровномалар олиш йўли билан, фуқароларнинг мурожаатлари ва ишонч телефонларига келиб тушган шикоятлар орқали;

- бюджет очиклиги. Расмий веб-сайтда соҳага ажратилаётган жами маблағлар, унинг бўғинлар бўйича тақсимооти, ҳар бир бўғин ичида унинг сарфланиши тартиби тўлиқ ёритилган. Айнан соғлиқни сақлаш тизимининг шаффофлиги ва ҳисобдорлиги хорижий амалиётда фойдаланилган чоратадбирлар сифатида таклиф қилинди. Бунда шаффофлик деганда, манфаатдор томонларнинг кенг доираси, шу жумладан фуқаролар, кенгашлар, инвесторлар, раҳбарлар ва кенг жамоатчилик учун барча муҳим тадбирлар тўғрисида маълумот бериб бориш тушунилади;

- сайтда вазирлик тизимида кўрсатиладиган хизматлар турлари, тўловлар миқдори ва бошқа маълумотлар тўлиқ ёритилган.

Яна бир ижобий амалиёт сифатида, **Исроилда Соғлиқни сақлаш** вазирлиги веб-сайтиларида ҳамда ҳар бир тиббиёт муассасасининг қабул бўлими кириш қисмида бепул хизматлар ва дори воситалари ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилган. Бу эса фуқароларнинг соҳадаги ўз

хуқуқлари ва имкониятларини англаб етишга ҳамда талаб қилишга имкон беради.

Тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ўзида камраб олувчи соғлиқни сақлашнинг ахборот тизими ягона платформасини жорий этиш тартиби белгиланди. Бу бўйича **Исроил, Қозоғистон, АҚШ** сингари давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда, замонавий информацион технологияларни жорий этиш бўйича бошланган ишларни тўлиқ қайта инвентаризациядан ўтказиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги барча муассасалар фаолиятни ўзига камраб олувчи, соҳа ходимлари ва фуқаролар учун қулай бўлган, илғор ҳорижий тажрибаларни ўзида акс эттирган ягона электрон платформа (база) стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш муддатларини аниқ белгилаш. Соҳада замонавий информацион технологияларни жорий этишни бирламчи вазифа деб белгилаш. Бунинг натижасида тизимда юзага келаётган кўплаб коррупцион омилларнинг бартараф этилишига эришилади.

Испания, Швеция, Дания сингари давлатларда бўлгани каби «**электрон рецепт**» жорий этиш шифокор ва фармацевтик фирма ўртасидаги коррупцион ҳолатларини олди олинади. Бунинг учун аввало барча шифохоналар ва поликлиникалар ҳамда давлат ва хусусий дорихоналар ягона интеграционлашган тизим яратилиш ва тўлиқ ахборот технологиялари билан таъминланиши лозим. Шифокор рецепт ёзишдан олдин фуқарони лабораторияга жўнатиши ва олинган анализ натижаси асосида белгиланган ягона платформага тавсия этиладиган дорилар берилади. Ундаги дориларнинг муқобил нархлари ва ундаги дорилар рўйхати қатъий бўлмасдан уларга эквивалент бўладиган бир ҳил таркибли дорилар ҳақида ҳам маълумот олиш мумкин бўлади.

Даромадлар, бошқарув қарорлари ва харажатлари тўғрисидаги нашрлар оммавий ахборот воситалари, фуқаролик жамияти ташкилотлари, сиёсий

партиялар ва фуқароларни хабардор қилиш учун кенг очилиши ҳалқнинг давлатга бўлган ишончинин мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Коррупцияга қарши курашишда соғлиқни сақлаш тизимининг коррупцияга энг заиф бўлган қисмларини аниқлаш, бўшлиқларни ёпиш, жинойтчиларни аниқлаш ва жавобгарликка тортиш ва уларни ноқонуний даромад олиш имкониятидан маҳрум қилиш керак.

Иккинчи боб бўйича хулоса

Соғлиқни сақлаш тизими доирасида ўтказилган ўрганишлар давомида даволаш профилактика муассасаларида ажратилган штат бўйича мутахассислар билан таъминланиш ҳолати, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифати, моддий-техника базаси, беморларга яратилган шароитлар, бепул хизматдан фойдаланиш даражаси, дори-дармонлар билан таъминланганлиги, тиббиёт ходимлари томонидан тамагирликка йўл қўйилиш ҳолатлари, ишга қабул қилиш тартиби каби масалаларда бир қатор тизимли муаммолар аниқланди. Бунга қарши қуйидаги таклиқлар илгари сурилади:

1. Кодекслаштириш масаласини кўриб чиқиш. **«Аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими»** Кодексини яратиш. Соғлиқни сақлаш бўйича кодексининг қабул қилиниши соҳада қонунни кўллаш амалиётини ҳамда жараёнини енгилаштириш ва соддалаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг самарадорлигини ошириш имкониятини яратади.
2. Тиббиёт муассасаларида бўш (вакант) иш ўринлари мавжуд бўлишига қарамай шифокорлар билан, айниқса тор доира мутахассислари билан таъминланиши етарли даражада эмас. Мавжуд бўш лавозимларга (вакансия) оид маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш ва очик эълон қилиш тартиби йўлга қўйилмагани коррупциявий хавф ва фирибгарлик ҳолатларини келтириб чиқаришига шароит яратмоқда. Ишга киришга номзодларга талаблар, танлов ўтказиш тартиби аниқ белгиланмаган ва ишга

жойлашиш истагида бўлган мутахассис кадрларнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилмаган. Тизимдаги бўш иш ўринларига ҳақида маълумотлар, кандидат учун талаблар, имтиҳон ўтказиш тартиби ва ариза топшириш вазирликни расмий веб-сайти орқали амалга ошириш тартибини жорий этиш(Исроил, Қозоғистон тажрибаси). Очқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида имтиҳонларни онлайн кузатув камералри остида ўтказиш, қабул комиссияси аъзолари ва кандидатлар ўртасида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

3. Франция, Германия ва Латвия сингари манфаатлар тўқнашуви учун жиноий жавобгарлик белгилаш ҳамда манфаатлар тўқнашувига оид қонун қабул қилиш орқали(Молдова, Хорватия, Литва, Латвия каби давлатларда қабул қилинган) бу каби ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш.

4. Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ кодексидага Европа Кенгашининг «Давлат хизматчиларининг намунавий ахлоқ кодекси»га мувофиқ бир қатор ўзгартиришлар киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Хусусан:

- дискрецион нормаларга дуч келинганда адолат ва қонунийликка амал қилган ҳолда ҳал этиш, ёки ўзидан юқори турувчи мансабдор билан маслаҳатлашиб олиш мажбуриятининг юклаш;

- миллий кодексда совға масаласи ёритилмаган бўлиб, кичик совға ва беғараз ёрдам олиш тартибини белгилаш, иккиланишлар вужудга келганда аниқлаштириш учун ўзидан юқори турувчи мансабдор билан маслаҳатларишиб олиш тартиби йўлга қўйилмаган;

5. Коррупция ҳодисалари натижасида олинган даромадларни мусодара қилиш ва улардан маҳрум қилиш бўйича тегишли чоралардан бири жазо тизимида «**мусодара қилиш**» жазо турларидан бири сифати киритиш мақсадга мувофиқ;

6. Электрон рецепт жорий этиш шифокор ва фармацевтик фирма ўртасидаги коррупцион ҳолатларини олди олинади. Бунинг учун аввало барча шифохоналар ва поликлиникалар ҳамда давлат ва хусусий дорихоналар

ягона интеграционлашган тизим яратилади ва хар бир тавсия этилган дори номи дори таркиби билан аталади.

III БОБ. СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш бўйича халқаро тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилиш

Ўрганишлар давомида, **Косова** Соғлиқни сақлаш вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш фаолиятида амалга ошираётган фаолияти диққатга сазовордир. Вазирликда Инспекция ташкил этилган бўлиб, ундаги ходимлар сони 11тани ташкил этади. Улар беморлардан шикоятларни қабул қилади, докторларни ҳуқ-атвори, ўзини тутуши, уларнинг беморлар билан муносабатини ўрганади. Бу коррупцион хавф-хатарларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишда самарали йўлдир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги 4847-сонли қарори асосида белгиланган ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритиш лозим. Косова давлати аҳоли сонини ўртача 2 млн атрофида бўлса, бу механизмни миллий қонунчиликка имплементация қилишда камида 40та штатдан иборат, яъни марказий аппаратда 5та штат бирлигида бошқарма, ҳудудий бўлинмаларида 3тадан иборат таркибда бўлимлар яратиш лозим.

Косова Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимининг ҳар бир бўғинида шикоят қутилари ва ишонч телефон линияларини яратилган бўлиб, ишонч телефон линиялари кун давомида ишлаши таъминланди. Шифокорлар устидан келиб тушган шикоятларни кўриб Вазирликнинг тегишли ходими томонидан қабул қилиниб, тегишлилик бўйича ўрганиш учун Соғлиқни сақлаш инспектори ва Вазирликнинг ахлоқ ишлари бўйича бошқармасига жўнатилади. Белгиланган муддатда сўнг бу ҳолат бўйича Соғлиқни сақлаш вазирида ҳисобот тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам шунга ўхшаш механизм Соғлиқни сақлаш вазирлигида **«Ягона ҳамда ишонч телефонлари»** билан ишлашни тартибга солувчи шакллантириш тартиби тўғрисидаги қўлланма Соғлиқни

сақлаш вазирлигининг 2016 йил 30 май № 237 рақамли қарори билан таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги таркибидаги бўлинмаларнинг ишонч телефонлари инсон саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш, инсон саломатлигини сифатли ҳимоя қилиш даражасини мунтазам назорат қилиш, тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини янада ошириш, соғлиқни сақлаш тизими ходимларининг ноҳўй ҳаракатланишига йўл қўймаслик мақсадида ишонч телефонлари жорий этилди. Ягона ҳамда ишонч телефонлари Тошкент шаҳридаги республика, вилоят, туманлар даражасида фаолият кўрсатаётган бошқарма идораларида шакллантириш чоралари кўрилмақда. Ягона ҳамда ишонч телефонлари миждозлар билан турли хил зиддиятларни ўз вақтида бартараф қилиш учун соғлиқни сақлаш муассасаларида фаолият кўрсатаётган ходимларнинг ноқонуний ҳаракатлари тўғрисидаги маълумотлар бўйича қабул, рўйхатдан ўтказиш ҳисобланади. Мамлакатимизда тизимда шикоятларни ўрганиш бўйича яхши механизм шакллантирилмаган. Мисол учун, **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йилнинг 17 июлида 161-сонли буйруғига асосан, «Тиббиёт ходимларининг одоб-ахлоқ кодекси» тасдиқланди. Бу бўйича ижро назорати Кадрлар бошқармасига юклатилган бўлса, марказий аппаратда 4та, ҳудудий бошқармаларда 1тадан штат бирлиги мавжуд. Ўзининг кунлик фаолиятидан бўш вақт ажратиб, касб этика қоидаларига амал қилинишини назорат қилиш масаласи мураккабдир. Штат бирлиги қўшиш ёки янги лавозимлар жорий этиш масаласи олдимизда турибди.**

Соғлиқни сақлаш тизимини коррупциядан ҳоли соҳага айлантириш, коррупциявий ҳолатларга барҳам бериш, тизимга очиқлик ва шаффофлик принципларини жорий қилиш, коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияни вужудга келиш сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Фуқароларда ҳуқуқий маданиятни ошириш ҳамда жамиятда

коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган превентив чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 октябрдаги **«Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги ПФ-6110-сон Фармони асосида Коррупцияга қарши курашиш агентлигига вазирлик билан ҳамкорликда **«Коррупциясиз соҳа»** лойиҳасини амалга ошириш бўйича дастур ишлаб чиқиш, унда, ҳар бир оилавий поликлиника ва шифохоналарнинг кириш жойларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чақириқлар, **«ишонч телефонлари»** ва бошқа тарғибот материалларини жойлаштириш вазифаси юклатилди.

Бизнинг фикримизча, ишонч телефонлари билан бир қаторда бепул тиббий хизмат турлари ва дори воситалари рўйхати ҳам шакллантириш мақсадга мувофиқдир. Бу билан аҳоли таънишиб

Мазкур вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши томонидан **«Йўл харитаси»** ишлаб чиқилди ва унга мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда коррупциянинг олдини олишга қаратилган 12 минг дона тарғибот материаллари республика бўйлаб барча оилавий поликлиника ва шифохоналарнинг кириш жойларида жойлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш тизими ходимларида коррупцияга қарши курашиш маданиятини шакллантириш ва уларнинг ушбу соҳадаги билимини ошириш мақсадида **«Соғлиқни сақлаш ходимлари учун коррупцияга қарши курашишга оид эслатма»** тайёрланиб, тизим ходимларига тарқатилди. Тизимдаги коррупцияга оид ҳолатлар ҳақида тезкор хабар бериш учун **«1203»** қисқа рақамли **«ишонч телефони»** - Call-марказ ташкил этилди.

Соҳадаги яна бир муаммодан бири Соғлиқни сақлаш муассасаларининг умумий тартибда молиялаштирилиши натижасида тиббиёт муассасаларининг

раҳбарлари томонидан бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланиши, турли коррупцион йўллар билан ўзлаштириш ҳолатлари тез-тез кузатилмоқда. Бу эса соҳага ажратилаётган маблағларнинг фуқароларга тўлиқ етиб боришига ҳар доим ҳам имкон бермаяпти.

Бу муаммо бўйича Исроил давлати тажрибасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. **Бюджет очиклигини таъминлашда** Вазирлик расмий веб-сайтда соҳага ажратилаётган жами маблағлар, унинг бўғинлар бўйича тақсимооти, ҳар бир бўғин ичида унинг сарфланиши тартиби тўлиқ ёритилган. Айнан соғлиқни сақлаш тизимининг шаффофлиги ва ҳисобдорлиги хорижий амалиётда фойдаланилган чора-тадбирлар сифатида тақлиф қилинди. Бунда шаффофлик деганда, манфаатдор томонларнинг кенг доираси, шу жумладан фуқаролар, кенгашлар, инвесторлар, раҳбарлар ва кенг жамоатчилик учун барча муҳим тадбирлар тўғрисида маълумот бериб бориш тушунилади.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини (муассасаларни) молиялашда **аҳоли жон бошига молиялаштириш** тизимига ўтиш. Бунинг натижасида, тизимда ўзаро соғлом рақобат юзага келиши ва тиббий хизмат сифати ўсиши билан бир қаторда, бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфлаш, ўзлаштириш ёки талон-торож этилишига нисбатан кучли жамоатчилик назорати ҳам ўрнатилади.

Бутун дунё мамлакатларида хусусан юртимизда ҳам соғлиқни сақлаш харажатлари йилдан йилга ортиб борапти. Ушбу маблағларнинг катта қисми самарали эканлиги илмий далиллар билан асосланмаган дори воситалари ва тиббий жиҳозларни харид қилишга сарфланади. Шунингдек, бир хил кимёвий таркибдаги дори воситаларининг қиммат аналогларини турли коррупциявий йўллар орқали бир неча баробар қиммат нархларда харид қилиш ҳолатлари ҳам учраб турибди.

Бунга қарши Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган диагностика ва даволаш стандартларини илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб **«Далилларга асосланган тиббиёт» (Evidence-based medicine)** тамойиллари асосида қайта кўриб чиқиш ва самарали эканлиги клиник

синовлар орқали илмий далиллар билан асосланмаган дори воситалари ва тиббий жиҳозларни диагностика ва даволаш стандартларидан чиқариб ташлаш. Стандартларни ишлаб чиқишда дори воситаларининг тижорий номларидан фойдаланишга йўл қўймаслик ва унинг ўрнига дорининг таркиби бўйича номланишига эришиш керак.

Рецепт бериш масаласида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирининг 2020 йил 1 июлдаги 121-сонли буйруғи⁶⁴га мувофиқ, дорини савдо номи билан эмас, халқаро патентланмаган номи, яъни дорини таркиби билан ёзиш тартиби белгиланди. Бироқ, бу ҳам амалиётда етарли даражада ўз самарасини бермаётганлигини гувоҳи бўлмоқдамиз.

Соҳада замонавий инфор­мацион технологияларни жорий этиш бошланган бўлсада, бир неча йилдан буён ушбу масалада жиддий силжиш кузатилмаяпти. Натижада, фуқароларнинг ҳамда тизимда фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг ўринли эътирозларига сабаб бўлувчи ноқулайликлар ҳали ҳам бартараф этилмагани кузатилмоқда. Жумладан, электрон поликлиника, электрон тиббий карта, электрон касаллик тарихи, шифокор қабулига электрон навбатга ёзилиш ва шу каби бошқа замонавий инфор­мацион технологияларни тизимга тўла жорий этилишнинг кечикиши соҳадаги коррупцион хавфларни пасайтиришга имкон бермаяпти.

Соҳада шаффофликни таъминлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 февралда «Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш соҳасини рақамлаштириш ва ахборот тизимлари ягона комплексини жорий этиш, бошқарув жараёнидаги ортиқча тартиб-тамоийилларни қисқартириш, аҳолига хизматлар кўрсатиш сифатини ошириш, тиббиёт ходимларининг иш самарадорлигини таъминлаш, шунингдек, ушбу йўналишда қабул қилинган рақамли трансформация қилиш дастурларини самарали амалга ошириш

⁶⁴ <https://lex.uz/docs/4880063>

мақсад қилинди. Шунингдек, Тиббиёт соҳасини рақамлаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни ўзида қамраб олувчи **соғлиқни сақлашнинг ахборот тизими ягона платформасини** жорий этиш тартиби белгиланди. Бу бўйича **Исроил, Қозоғистон, АҚШ** сингари давлатларнинг тажрибасига таянган ҳолда, замонавий инфорацион технологияларни жорий этиш бўйича бошланган ишларни тўлиқ қайта инвентаризациядан ўтказиш ва соғлиқни сақлаш тизимидаги барча муассасалар фаолиятни ўзига қамраб олувчи, соҳа ходимлари ва фуқаролар учун қулай бўлган, илғор ҳорижий тажрибаларни ўзида акс эттирган ягона электрон платформа (база) стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш муддатларини аниқ белгилаш. Соҳада замонавий инфорацион технологияларни жорий этишни бирламчи вазифа деб белгилаш. Бунинг натижасида тизимда юзага келаётган кўплаб коррупцион омилларнинг бартараф этилишига эришилади.

Ҳозирда, коррупцияга қарши Қонунчилик тизими АҚШ, Буюк Британия, Германия, Италия ва Францияда яхши ривожланган бўлишига қарамай, миллий соғлиқни сақлаш соҳаларидаги кўплаб коррупцион можаролар бу ҳодисани ҳеч ким бутунлай зарарсизлантира олмаслигини кўрсатмоқда.

Молдова тажрибаси ўлароқ, аҳоли клиникага ташриф буюришдан олдин расмий веб-сайт орқали ўзида бўлган касаллик бўйича кимга учрашиши, электрон навбатга ёзилиши, кўрсатиладиган тиббий хизматларнинг нархлари тўғрисида батафсил маълумот олиш имкониятига эга⁶⁵.

Хорижий мамлакатларда **«Whistleblowing»** жиноятчилик ва коррупцияни фoш қилиш ва уларга қарши курашишнинг самарали усулларида бири бўлиб, бу каби хизматни амалга оширувчи махсус ходимнинг ишини йўқотишидан ёки унга нисбатан ёмон муносабатда бўлишдан ҳимоя қилиш учун махсус қонунлар мавжуд. Япония, Украина,

⁶⁵ Коррупцию можно победить усилиями всего общества Интервью с замминистра здравоохранения М Бура <http://www.nm.md/daily/article/2008/01/15/0303.html>

Қозоғистон, Сербия каби кўплаб мамлакатларда бу фаолиятни тартибга солишга қаратилган қонунлар мавжуд. Хусусан, Ўзбекистон Республикасида ҳам Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 829-сонли «**Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**»ги қарори билан бу фаолият тартибга солиш назарда тутилган. Бироқ, буни ўзи етарли эмас. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, давлат муассасалари ва бошқа жамоат бирлашмаларида қонун бузилишлари ҳақида хабар берган шахсларни ҳимоя қилиш билан бир қаторда уларга алоқадор бўлган шахсларни ҳам ҳимоя қилиш механизмини яратиш, бу каби маълумотларни нафақат даромад манбаи сифатида, балки фуқароларга ватанпарварлик ва юксак фуқаролик бурчи эканлигини улар онгига сингдириш лозим. Рағбатлантириш эмас, ватанга муҳаббат ва адолат қарор топиш мақсадида ёзилган хабарларни аноним равишда коррупциянинг олдини олиш бўйича тузилмаларнинг ишонч телефони ёки электрон почта орқали хабар бериш тизимини яратишимиз керак.

3.2-§ Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш

Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш деганда коррупцияга қарши курашишга қаратилган қонун ҳужжатлари базасини янада ривожлантириш, давлат ва хусусий секторда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларша курашишдаги самарил механизмлар ишлаб чиқиш ҳамда йўналишни чинакам «**коррупциясиз соҳа**»га айлантиришга қаратилган қуйидаги бир қатор тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш зарур ҳисобланади.

Аввало, **ташкилий чора-тадбирлар борасида** БМТ Тараққиёт дастурининг «Ўзбекистонда самарали, ҳисоб берувчи ва ошқора бошқарув

институтлари орқали коррупцияга қарши курашиш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида ушбу соҳадаги қатор ваколатли идоралари билан биргаликда соҳани ташкилий жиҳатдан такомиллаштиришга оид чораларни кўриш лозим бўлади.

Украина, Қозоғистон давлатлари тажрибаси ўлароқ, коррупциявий жиноятларни таркибини аниқ белгилаб олиниши даркор. Қайси жиноятлар коррупциявий жиноятларни таркибига кириши жиноят қонунчилигида аниқ белгиланмаган. Бизнингча, коррупциявий жиноятларни қайсилар ва уларни сонини, яъни аниқ чегараси белгилаб олинган тақдирда, унга қарши курашиш самарали тартибда амалга ошириш мумкин. Масалан, коррупциявий жиноятлар сифатида қуйидагилар белгиланиши лозим:

167-модда. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш;

192⁹-модда. Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш;

192¹⁰-модда. Нодавлат тижорат ташкилотининг ёки бошқа нодавлат ташкилотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

192¹¹-модда. Нодавлат тижорат ташкилотида ёки бошқа нодавлат ташкилотида мансабдор шахслар томонидан ўз ваколатларини суиистеъмол қилиш;

205-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш;

206-модда. Ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш;

207-модда. Мансабга совуққонлик билан қараш;

208-модда. Ҳокимият ҳаракатсизлиги;

209-модда. Мансаб сохтакорлиги;

210-модда. Пора олиш;

211-модда. Пора бериш;

212-модда. Пора олиш-беришда воситачилик қилиш;

213-модда. Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш;

214-модда. Давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга ҳилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкӣ манфаатдор бўлиши;

243-модда. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш. Бу билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Коррупцияга қарши кураш соҳасини тартибга солишга қаратилган миллий қонунчилик базасини хорижий тажрибаларга мувофиқ соғлиқни сақлаш тизимида комплаенс назоратни жорий этиш истиқболлари асосида қайта кўриб чиқиш ва бу фаолиятни тартибга солишга қаратилган қонунчилик базасини яратишга доир аниқ таклифлар рўйхатини ишлаб чиқиш, **«коррупциясиз соҳа»** лойиҳасини давлат улуши мавжуд компания ва ташкилотларда босқичма-босқич лойиҳани барча соҳаларга тадбиқ этиш давомида улар таркибида комплаенс назорат тизимини жорий этиб бориш лозимдир. Комплаенс назорат коррупция хавф-хатарларини ўз вақтида аниқлаш, уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш ҳамда уларни минимум даражага тушириш; давлат органлари ва ташкилотларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг шаффофлигини ошириш; ходимлар томонидан касбий одоб-ахлоқ қоидаларига қатъий риоя этиш ва хизмат вазифаларини бажаришда ҳар қандай коррупция ҳолатлар, шу жумладан, манфаатлар тўқнашуви ҳақида хабар бериш ҳамда уларни ҳал қилиш масалаларини тартибга солишга имкон беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигига жазо тизимини бир тури сифатида **«мусодара қилиш»** жазо турларидан бири сифатида киритиш лозим деб ҳисоблаймиз. Бу жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини мустаҳкамлаб, қонунийликни таъминлашда ўрни сезиларлидир. Мусодара қилиш – оғир ва ўта оғир жиноятлар, давлат ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, давлат бюджети маблағларини ўмариш,

коррупциявий ҳамда террозизм жиноятлари бўйича қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди (**Илова 1**).

Давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда коррупция ҳолатлари ҳақида хабар бериш тартиби ҳамда фаолиятнинг шаффофлигини таъминлашда жамоатчилик иштирокини таъминлаш механизмларини яратиш (**расмий веб сайтлар яратиш**) ва унда жамоатчиликка тақдим этиб борилиши лозим бўлган барча маълумотларни жойлаштириш, маблағлар сарфланишинг аниқ рўйхатларини киритиб бориш, қонун бузилиши ва коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришнинг жаҳон тажрибасини жорий этиш (**whistle blowers policy**). Шунингдек, **Коррупцияга қарши бошқарув менеждменти ISO-37001** халқаро стандартини ва фаолият самандорлигини баҳолашдаги халқаро тажрибалардан бири ҳисобланган **KPI тажрибасини** давлат иштирокидаги корхона ва ташкилотларда жорий этиш талабларини ишлаб чиқиш каби ташкилий чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлади.

Қонуннинг алоҳида моддаларида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар бериш тартиби ва уларни ҳимоя қилишнинг аниқ механизмларини тартибга солиш лозимдир, зеро мазкур механизм давлат ва хусусий секторда коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарали воситаларидан бири ҳисобланади ва ушбу амалиёт хорижий тажрибада кенг қўлланилади ва **whistle blowing policy** дея номланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида тақдим этиладиган қабул қилинадиган совғалар билан боғлиқ тартибни белгилаб ўтиш лозимдир.

Соғлиқни сақлаш тизимида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларида комплаенс хизматининг ўрни, аҳамияти ва вазифалари ва унинг мустақиллигини таъминловчи чоралар, коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг самарандорлигини баҳолаш ва мониторинг қилиш тартиби, уларнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, уларда тегишли ички назорат механизмларини ишлаб чиқиш лозим бўлади. Раҳбарият ва ходимлар томонидан совғалар ва бошқа ҳар қандай моддий аҳамият касб этган

имтиёзларни қабул қилиш ва тақдим этишнинг аниқ талабларини белгилаб ўтиш лозим.

Жамоатчиликка Соғлиқни сақлаш тизими фаолияти ҳақидаги очик маълумотларни олиш имкониятини жорий этишга доир ўз ижтимоий сайтларини яратиш, ходимларни соҳанинг ижтимоий фаолиятига доир қарорлар қабул қилиниши жараёнида жалб этиш механизмларини такомиллаштириш, вазирлик расмий веб-сайтларида коррупцияга қарши курашишга доир кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиш ҳамда расмий веб-сайтларида комплаенс хизматлар фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишга қаратилган локал ҳужжатларини жойлаштириш, шунингдек, бу борада комплаенс хизматлар ***Call-марказлари (тезкор алоқа линиялари)*** батафсил маълумотни мунтазам равишда жойлаштириб бориши зарурдир.

Учинчи боб бўйича хулоса

1. Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги меҳнат муносабатларига оид локал ҳужжатларни ва иш берувчиларнинг меҳнат муносабатлари масалаларига доир буйруқ ва меҳнат шартномаларини қонун ҳужжатларига мувофиқлигини ўрганиш;

2. Бепул тиббий хизмат олиш ҳуқуқини берувчи ордерларни тақсимлаш жараёнини очик ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида масофавий кузатиб бориш имконини берувчи электрон навбатни жорий этиш;

3. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг расмий веб-сайтига аҳолига давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатиладиган хизматлар ва дори воситалари рўйхатини жойлаштириш.

ХУЛОСА

Тадқиқот иши натижасида қуйидаги **илмий-назарий, амалий-ташкилий ва миллий қонунчилик базасини** такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий асосларга оид хулосалар

1. Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупция – соғлиқни сақлаш соҳасида фаолият кўрсатувчи мансабдорлар билан бир қаторда барча ходимларнинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, мансаб лавозимини суистеъмол қилиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш;

II. Ташкилий-ҳуқуқий масалаларга оид хулосалар

1. Тўғруқ ва болалар муассасаларида коррупция ҳолатларини олдини олиш ва ўз вақтида аниқлаш мақсадида ҳомиладор аёллар ва оналар ўртасида аноним сўровномалар ўтказиб бориш ҳамда тўпланган маълумотлар таҳлили асосида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар таҳлилинини амалга ошириш;

2. Соғлиқни сақлаш марказий аппарати ва ҳудудий бошқармалари таркибдаги Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси штат бирликлари сонини ошириш;

3. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари тиббиёт ходимларининг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI) ишлаб чиқилиб, унга эришилганлиги мониторинг қилинадиган ҳамда натижаларига қараб қўшимча рағбатлантириш тўловлари тўланадиган тизим яратиш;

4. Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишнинг улар малакаси, кўрсатилаётган тиббий хизмат ҳажми, мураккаблик даражаси ва сифатига қараб тоифаланган замонавий

механизмларни жорий этиш, шу асосда қўлланилаётган тармоқ тариф сеткаси ўрнига тиббиёт ходими фаолияти натижалари қараб жон бошига молиялаштиришнинг тегишли мезонларига кўра тўланадиган меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари ва ўзгарувчан мукофот ставкаларини жорий этиш;

5. «Аҳоли саломатлиги ва соғлиқни сақлаш тизими» Кодексини қабул қилиш. Унда қуйидагилар назарда тутилади:

- соғлиқни сақлаш соҳасида амалдаги қонун нормаларини бирлаштириш;
- соғлиқни сақлаш соҳасини аниқловчи асосий атамалар;
- соғлиқни сақлаш тизими ва тиббий ёрдамни ташкил этиш;
- тиббий ва фармацевтик фаолиятни белгилаш, кўрсатиладиган хизмат ҳажми ва турларини аниқлаш;
- соғлиқни сақлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш, бошқариш ва назорати, шунингдек, идоралараро ҳамкорлик қилиш;
- соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштириш;
- санитария-эпидемиологик назоратни ташкил қилиш;
- соғлиқни сақлаш соҳасида таълим ва илмий фаолиятни нормасини белгилаш;
- соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- тиббий ва фармацевтик фаолиятларнинг айрим турларини ҳуқуқий тартибга солиш ва бошқалар.

6. Тиббиёт муассасаларида бўш (вакант) иш ўринлари мавжуд бўлишига қарамай шифокорлар билан, айниқса тор доира мутахассислари билан таъминланиши етарли даражада эмас. Мавжуд бўш лавозимларга (вакансия) оид маълумотларни вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштириш ва очиқ эълон қилиш тартиби йўлга қўйилмагани коррупциявий хавф ва фирибгарлик ҳолатларини келтириб чиқаришига шароит яратмоқда. Ишга киришга номзодларга талаблар, танлов ўтказиш тартиби аниқ белгиланмаган ва ишга жойлашиш истагида бўлган мутахассис

кадрларнинг ягона маълумотлар базаси шакллантирилмаган. Тизимдаги бўш иш ўринларига ҳақида маълумотлар, кандидат учун талаблар, имтиҳон ўтказиш тартиби ва ариза топшириш вазирликни расмий веб-сайти орқали амалга ошириш тартибини жорий этиш (Исроил, Қозоғистон тажрибаси). Очқиклик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида имтиҳонларни онлайн кузатув камералри остида ўтказиш, қабул комиссияси аъзолари ва кандидатлар ўртасида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриш;

7. Шифохоналар ва поликлиникалар ҳамда давлат ва хусусий дорихоналар ягона интеграционлашган тизим (платформа) яратилиш орқали электрон рецепт жорий этиш.

III. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифлар

(Изоҳ: қонунчиликка киритилиши тавсифланаётган таклифларнинг намунавий лойиҳаси иловада кўрсатилган)

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигида белгиланган жазо тизимига **«мусодара қилиш»** санкциясини қўшиш. Мусодара қилиш - жиноят содир этган шахснинг мол-мулкани ҳақ тўламаслик шарти билан барчасини ёки бир қисмини суднинг қарори билан давлат мулкига қўшишдир. Мусодара қилиш – оғир ва ўта оғир жиноятлар, давлат ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, давлат бюджети маблағларини ўмариш, коррупциявий ҳамда терроризм жиноятлари бўйича қўллаш мақсадга мувофиқ бўларди

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **«Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси»** деб номланган VIII бўлимга соҳага оид қуйидаги тушунчалар луғатини киритиш: **коррупция, коррупциявий жиноятлар, коррупциявий ҳаракатлар;**

3. Соғлиқни сақлаш вазирининг **«Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга**

оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш методикаси» тўғрисидаги Низом лойиҳаси ишлаб қилиш;

4. Ўзбекистон Республикасидаги барча давлат органи, давлат иштирокидаги ташкилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ички меҳнат қоидалари таркибига ходимларнинг фаолияти давомида қатъий белгиланган миқдордан кўп совға олиши ёки уни белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказмаслиги, манфаатлар тўқнашувига йўл қўйиш ва бошқа турдаги коррупциявий ҳуқуқбузарликларни содир этиши ташкилотнинг ички меҳнат қоидаларини **бир марта кўпол бузиш** сифатида баҳоланиб, коррупцияга қарши курашиш сиёсатига оид қоидаларга риоя қилмаслиги оқибатида, коррупция хавфини юзага келтирган ходим билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши назарда тутилмаган нормативларни ишлаб чиқиш;

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятида тақдим этиладиган ва қабул қилинадиган совғалар миқдорини аниқ белгилаш ўтиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

- 1.1 Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2018.;
- 1.2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. 2017 йил 7 февраль;
- 1.3 Ўзбекистон Республикаси Президентимизнинг 19.03.2020 йилдаги 5969-сонли «Covid-19 пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони;
- 1.4 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № ПФ-5729 Фармони;
- 1.5 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.06.2020 йилдаги 6013-сонли «Коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони;
- 1.7 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 октябрдаги «Соғлиқни сақлаш соҳасида давлат бошқарув тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон 4847-сонли қарори;
- 1.8 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3832-сон Қарори;
- 1.9 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 февралда «Соғлиқни сақлаш соҳасида рақамлаштириш ишларини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори;
- 1.10 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони;
- 1.11 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 октябрдаги «Бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги

механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6110-сон Фармони;

1.12 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 25.08.2003 йилдаги «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»ги 365-сонли қарор;

1.13 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 31.12.2020 йилдаги 829-сонли «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишда бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори;

1.14 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 09.11.2020 йилдаги 288-сонли «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи;

1.15 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 20.03.2020 йилдаги 76-сонли «Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупциявий ҳуқуқбузарликларни сабаблари, шартлари ва уларга қарши курашиш тўғрисидаги Йўл харитасини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;

1.16 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 17.06.2019 йил 161-сонли «Тиббиёт ходимларининг касб этика қоидалари тасдиқлаш» тўғрисидаги буйруғи;

1.17 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2020 йил 1 июлдаги 121-сонли «Тиббиёт ташкилотларида дори воситаларини тайинлаш, халқаро патентланмаган номланиши бўйича рецептларни расмийлаштириш ҳамда беморнинг дори воситаларини қабул қилиш, сақлаш ва қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи;

1.18 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 21 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида тиббиёт ходимларини ишга қабул қилишда коррупцияни олдини олиш билан боғлиқ чора-тадбирлар тўғрисида»ги 18-сонли буйруғи;

1.19 Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2019 йил 3 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимидаги тиббиёт ташкилотлари томонидаги пуллик хизматни ташкил этиш тўғрисида»ги 293-сонли буйруғи.

II. Китоблар, қўлланмалар, монографиялар ва тавсиялар

2.1 Исмаилов Б. И. Коррупцияга қарши курашга оид халқаро андозалар: хорижий ва миллий амалиёт. /Ўқув-услубий қўлланма. – Т.: Юристар малакасини ошириш маркази, 2012. -87 б;

2.2 Отажонов А.А. Бошқарув тартибига қарши коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик: Ўқув қўлланма. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси. 101-бет.;

2.3 Абдурасулова Қ.Р. Коррупция жиноятчилигининг умумий тавсифи, сабаблари ва олдини олиш // ProAcademy №4, 2018.
<https://uzjournals.edu.uz/proacademy/vol1/iss4/2;>

2.4 Исмаилов Б.И. Имплементация норм конвенции ООН против Коррупции. // -Т.:Адвокат., 2016. № 2 С. 50-55;

2.5 Исмаилов Б.И. Институционализация национальных систем противодействия коррупции.//Учебное пособие -Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -220с;

2.6 Исмаилов Б.И. Коррупцияга қарши кураш борасида хорижий давлатлар амалиёти ва халқаро стандартлар тизими шаклланиши.// Ўқув қўлланма.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий-таълим маркази, ЮМОМ. 2019.-150 б;

2.7 Исмаилов Б.И. Насриев И.И. Противодействие коррупции в частном секторе: международные стандарты и зарубежная правоприменительная практика. //Монография. -Т. Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2020. -290с;

2.8 Исмаилов Б.И. Опыт зарубежных стран в сфере противодействия коррупции: практические аспекты его использования в Республике

Узбекистан//Учебное пособие. -Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, 2020. – 146 с;

2.9 Исмаилов Б.И. Становление морально-этических стандартов государственной службы в зарубежных странах.Методическое пособие.- Т.Центр повышения квалификации юристов.2017.-128;

2.10 Исмаилов Б.И. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизими ривожланиши.//Монография.-Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси Коррупцияга қарши курашиш илмий таълим маркази, ЮМОМ. 2020.-170 б;

2.11 Исмаилов Б.И. Формирование международной и национальных систем противодействия коррупции. -Т.ЦПКЮ.2017. -93с;

2.12 Исмаилов Б.И. Халқаро жинойтчиликка қарши курашнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари Ўқув қўлланмаси. -Тошкент: ЮМОМ. 2015.-129 б;

2.13 Исмаилов Б.И., Акилов О. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини имплементация қилиш соҳасидаги оид миллий қонунчилик таҳлили.//Халқаро шартномаларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига имплементация қилиш бўйича материаллар тўплами. Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳзуридаги Амалдаги қонунчилик ҳужжатлари мониторинги институти, Ўзбекистондаги БМТ Тараққиёт Дастури. 2015 -48 б;

2.14 Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Зарубежный опыт правовой регламентации противодействия коррупции на государственной службе.- Т.Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ, 2019. -206 с;

2.15 Исмаилов Б.И., Исмоилов Б.И. Современные стратегии антикоррупционных реформ //Учебное пособие. -Т.: Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, ЦПКЮ., 2019. – 200 с;

2.16 Исмаилов Б.И., Насриев И.И. Правовые основы привлечения юридических лиц к ответственности за коррупционные правонарушения в

зарубежных странах//Учебное пособие. -Т.: ЦПКЮ, Академия Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан. 2020. -269 с;

2.17 Йўлдошев Н. Коррупцияга қарши кураш – фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим қафолати. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 1/2020-сон. 2-7 бб;

2.18 Кабилов Ш.Р. Инструментарий по противодействию коррупции. Ответственный редактор д.ю.н., проф. К.Р.Абдурасулова. – Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 2019. – 96 с.;

2.19 Клеменчич Г., Стусек Я. Специализированные институты по борьбе с коррупцией: обзор моделей. Организация экономического сотрудничества и развития Сеть по борьбе с коррупцией для стран Восточной Европы и Центральной Азии. 2006. – С. 10;

2.20 Томас Э. Гетцен, Университет Тэмпл. Экономика здравоохранения основы и движение средств. 2018. С.45

III. Мақолалар, маърузалар, тезислар,

3.1 Ўзбекистон Жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари» мавзусидаги тўплам.-Т.:ТДЮУ, 2021.386 б;

3.2 Мелиев Х. Коррупция ва унга қарши кураш соҳасида янги босқич. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 03(135)/2017-сон. 26-27 бб;

3.3 Юридик фан ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг долзарб муаммолари. «Ёш олимлар минбари». Илмий-амалий конференция материаллари. I жилд. М.М.Мамасиддиқов.-Т.: “Lesson press”. 2021.-428 б;

3.4 Тўлаганова Г. Коррупцияни енгишда таълимнинг аҳамияти. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 1/2020-сон. 30-33 бб;

3.5 «Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар» мавзусидаги республика 27-қўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30-апрель 2021 йил. –Тошкент: «Тадқиқот»,2021.-73б;

3.6 Ходжаева А. Коррупция: унга қарши курашда ҳалқаро стандартлар ва миллий қонунчилик. Ҳуқуқ ва бурч ижтимоий-ҳуқуқий журнал. 11/2017-сон. 60-61 бб;

- 3.7** А.В. Тихомиров коррупция в здравоохранении журнал "Главный врач: хозяйство и право" №6 за 2009 г.// <http://www.anoufrieв.ru/index.php7icH964;>
- 3.8** Kaufmann, Daniel, Aart Kraay, and Massimo Mastruzzi (2007): Governance Matters VI: Governance Indicators for 1996-2006, World Bank Policy Research, Working Paper WPS 4280;
- 3.9** Treisman, D. (2000): The causes of corruption: A cross-national study. Journal of Public Economics, 76, 399–457;
- 3.10** Директива Европейских Сообществ (СЕС) от 10 июня 1991 г. о предотвращении использования финансовой системы для отмывания денег (91/308/ЕЕС);
- 3.11** Miller, Terry, Kim R. Holmes, with Anthony B. Kim, Daniella Markheim, James M. Roberts and Caroline Walsh (2008): 2008 Index of Economic Freedom, Washington, DC; -401p.;
- 3.12** Assessment report on compliance with International standards in the anti-corruption (ac) area.2014; www.coe.int/corruption;
- 3.13** Matherials: “Ethics for the prevention of corruption in Turkey”; Academic researches on public ethics. Volume 2. www.tornatasarim.com.

IV. Диссертация ва авторефератлар

- 4.1** Зуфаров Р.А. Уголовная ответственность за получение взятки (Уголовно-правовые аспекты) : автореферат дис. ... канд. юрид. наук - Ташкент, 1994;
- 4.2** Пулкарлов А.В. «Уголовно-правовые и криминологические меры противодействия коррупция в сфере здравоохранения» диссертация. Москва.2013;
- 4.3** Балебанова Т.А. «Современное состояние коррупции в здравоохранении России и меры ее предупреждения: криминологическое исследование» автореферат. Москва. 2013;
- 4.4** Савенко И.А. «Коррупционные преступления и меры их предупреждения: На материалах Краснодарского края» диссертация. 2006;

- 4.5** Плохов С.В. «Противодействие коррупционной преступности в социальной сфере: на примере здравоохранения и образования Волгоградской и Саратовской областей» автореферат. Саратов. 2013;
- 4.6** Сторчилова Н.В. «Коррупция в органах внутренних дел и ее предупреждение» автореферат. Москва. 2010;
- 4.7** Соловьев А.П.. Предупреждение преступлений в сфере здравоохранения : дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.08 / Соловьев Александр Павлович.- М., 2007.- 192 с;
- 4.8** Aleksandr V. Ashcheulov. On the Effect of the Shadow Economy on the Development of the Region. Российское предпринимательство, 2011, № 2 (1);
- 4.9** Евразийский международный научно-аналитический журнал. Проблемы современной экономики. № 4 (40).2011 -40 стр.

V. Хорижий манбаалар

- 5.1** World Health Organization “Global Spending on Health: A World in Transition” 2019, 68 pages;
- 5.2** Adam Graycar and David Jancsics “Gift Giving and Corruption” Article, 2017;
- 5.3** Lewis, M.&Pettersson,G. “Governance in health care delivery: raising performance. World Bank Policy Research Working Paper 207;
- 5.4** Vain,T. “Review of corruption in the health sector: theory, methods and interventions” 2007, 12 pages;
- 5.5** Cohen,J. Mrazek, Havkins,L. “Corruption and pharmaceuticals: strengthening good governance to improve access” Article, 2007, 38 pages;
- 5.6** Campos, J.E,Pradhan,S. The Many Faces of Corruption: Tracking Vulnerabilities at the Sector Level. World bank, Washington, 2007.450 pages;
- 5.7** Di Tella,R&Saveoff,W. Diagnosis Corruption: Fraud in Latin America’s Public Hospitals, 2001. 225 pages;
- 5.8** Karen Hussmann “Addressing corruption in the health sector”. Securing equitable access to health care for everyone. 2011. 41 pages;

5.9 Lackó Mária (1996): Hidden economy in East-European countries in international comparison, Laxenburg: International Institute for Applied Systems Analysis (IIASA), working paper. -146-149pp.;

5.10 Крылова Н.Е., Павлова Н.В. Субъект преступлений, совершаемых в сфере медицинской деятельности //Современное право", 2006, N 4;

5.11 Rickard Larsson, "Informal payments for health care: A threat to human security", Lund University, 2010;

5.12 United Nations Development Programme "Fighting corruption in the Health sector methods, tools and good practices" 2011. 76 pages;

5.13 World Health Organization "Reinforcing the focus on anti-corruption, transparency and accountability in national health policies, strategies and plans" 2019, 44 pages.

VI. Интернет сайтлар

6.1 <https://www.icqc.eu/index.php?choosed=ru/certification/european-anti-fraud-office;>

6.2 <http://dissertation2.narod.ru/avtoreferats7/sent12.htm;>

6.3 http://www.erudition.ru/referat/printref/id.22569_1.html;

6.4 http://www.baltic-course.com/rus/ekonomiceskaja_istorija/doc.;

6.5 [www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplan.;](http://www.oecd.org/corruption/acn/istanbulactionplan.)

6.6 www.accaglobal.com;

6.7 www.theworldbank.org;

6.8 [https://www.minjust.uz/uz/library/human_rights/72859/;](https://www.minjust.uz/uz/library/human_rights/72859/)

6.9 www.norma.uz/bizning_sharhlar/2020_yilgi_murojaatnoma_prezidentning_maruzasidan_asosiy_tezislar;

6.10 [https://complyadvantage.com/knowledgebase/anti-money-laundering/aml-compliance-officer/;](https://complyadvantage.com/knowledgebase/anti-money-laundering/aml-compliance-officer/)

6.11 <https://www.coe.int/en/web/greco/about-greco;>

6.12 <https://www.fatf-gafi.org/pages/moneyval.htm;>

6.13 [https://www.iaaca.net/;](https://www.iaaca.net/)

- 6.14** <https://www.oecd.org/general/38464001;>
- 6.15** <https://www.accaglobal.com/gb/en.html;>
- 6.16** <https://egmontgroup.org/en/search/google/shadow%20economy;>
- 6.17** <https://publicsearch.coe.int/#k=shadow%20economy#f=%5B%5D#s=51;>
- 6.18** <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/treaty/141;>
- 6.19** <https://rm.coe.int/project-against-economic-crime-in-kosovo-peck-final-narrative-report/16806d0f30;>
- 6.20** www.zakon.kz.

ИЛОВАЛАР

Лойиҳа 1

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан ____ йил
_____ да қабул қилинган
Сенат томонидан ____ йил 09 _____ да
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994-йил 22-сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 й., 2-сон; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 269-модда; 1997 й., 2-сон, 56-модда, 9-сон, 241-модда; 1998 й., 5-6-сон, 102-модда, 9-сон, 181-модда; 1999 й., 1-сон, 20-модда, 5-сон, 124-модда, 9-сон, 229-модда; 2000 й., 5-6-сон, 153-модда, 7-8-сон, 217-модда; 2001 й., 1-2-сон, 11-модда, 23-модда, 9-10-сон, 165-модда, 182-модда; 2002 й., 9-сон, 165-модда; 2003 й., 5-сон, 67-модда; 2004 й., 1-2-сон, 18-модда; 2007 й., 6-сон, 248-модда, 249-модда; 2012 й., 38-сон, 433-модда, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 37-сон, 408-модда; 2005 й., 52-сон, 385-модда; 2006 й., 25-26-сон, 226-модда; 2007 й., 17-18-сон, 171-модда, 39-сон, 401-модда, 50-51-сон, 502-модда, 503-модда, 52-сон, 532-модда; 2008 й., 14-15-сон, 84-модда, 94-модда, 37-38-сон, 363-модда, 365-модда, 39-сон, 390-модда, 52-сон, 509-модда, 514-модда; 2009 й., 3-сон, 9-модда, 15-сон, 179-модда, 38-сон, 415-модда, 52-сон, 552-модда, 553-модда; 2010 й., 22-сон, 174-модда, 35-36-сон, 300-модда, 37-сон, 314, 315-моддалар, 39-сон, 340-модда, 52-сон, 509-модда; 2011 й., 16-сон, 161, 162-моддалар; 2011 й., 40-сон, 410-модда; 51-сон, 542-модда; 2012 й., 1-сон, 3-модда, 38-сон, 433-модда; 2013 й., 1-сон, 1-модда; 2014 й., 36-сон, 452-модда; 2015 й., 32-сон, 425-модда; 33-сон, 439-модда, 52-сон, 645-модда; 2016 й., 17-сон, 173-модда, 39-сон, 457-модда; 2017 й., 1-сон, 1-модда, 13-сон, 194-модда, 24-сон, 487-модда, 36-сон, 943-модда, 37-сон, 978-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 05.01.2018 й., 03/18/456/0512-сон, 30.01.2018 й., 03/18/463/0634-сон, 05.04.2018 й., 03/18/470/1005-сон, 19.04.2018 й., 03/18/476/1087-сон, 21.07.2018 й., 03/18/485/1552-сон, 24.07.2018 й., 03/18/486/1559-сон, 23.10.2018 й., 03/18/503/2080-сон; 10.01.2019 й., 03/19/514/2450-сон, 16.01.2019 й., 03/19/516/2484-сон, 2019 й., 2-сон, 47-модда, 05.03.2019 й., 03/19/526/2701-сон; 03.05.2019 й., 03/19/534/3046-сон, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон, 09.07.2019 й., 03/19/548/3395-сон, 29.08.2019 й., 03/19/558/3662-сон, 05.09.2019 й., 03/19/564/3690-сон, 13.09.2019 й., 03/19/567/3737-сон, 23.10.2019 й., 03/19/572/3943-сон; 06.11.2019 й., 03/19/579/3994-сон; 13.11.2019 й., 03/19/583/4016-сон; 04.12.2019 й., 03/19/586/4106-сон; 07.12.2019 й., 03/19/587/4122-сон; 25.12.2019 й., 03/19/597/4193-сон; 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон., 05.04.2021 й., 03/18/470/1005-сон), қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) Кодекснинг 43-моддасига қўшимча киритилсин:

“и) мусодара қилиши – жиноят содир этган шахннинг мол-мулкини ҳақ тўламаслик шарти билан барчасини ёки бир қисmini суднинг қарори билан давлат мулкига қўйиши”;

2) Кодекснинг VIII бўлими («Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси»)га қуйидаги тушунчалар қўшимча сифатида киритилсин:

коррупция - давлат органи, давлат иштирокидаги ташиқлот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши органи мансабдор шахннинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиши мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиши;

коррупциявий жиноятлар – Жиноят кодексининг 167, 192⁹, 192¹⁰, 192¹¹, 205, 206, 207, 208, 209, 210, 211, 212, 213, 214, 243-моддалари кўрсатилган жиноий ҳаракатлар;

коррупциявий ҳаракатлар - давлат органи, давлат иштирокидаги ташилот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ходими томонидан пора берувчининг манфаатларини кўзлаб ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги учун бевосита ёки билвосита, шахсан ёки учунчи шахслар орқали пул, қимматбаҳо қозғозлар, бошқа мол-мулкни, мулкий тусдаги хизматларни, бошқа мулкий ҳуқуқларни олиш, талаб қилиш, таклиф қилиш, ваъда қилиш ва бериш, шунингдек, пора бериш ва олишда воситачилик қилиш, расмиятчиликларни соддалаштириш учун тўловларни олиш, ходим томонидан пора олиш ёки ҳуқуққа хилоф бошқа мақсадларда ўз хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш.М.Мирзиёев

**“Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги
Қ И Ё С И Й Ж А Д В А Л**

Амалдаги тахрир	Янги тахрир	Асос
<p>Амалдаги кодексида бундай модда мавжуд эмас</p>	<p>Жиноят кодексининг 43-моддаси и) банди: <i>и) мусодара қилиш – жиноят содир этган шахсининг мол-мулкани барчасини ёки бир қисмини ҳақ тўламаслик шарти билан суднинг қарори билан давлат мулкига қўйиши</i></p>	<p>Жиноят кодексининг Умумий қисми жазо тизимига мусодара қилиш билан тўлдириш таклиф қилинмоқда. У махсус мусодара қилиш тарзидаги мулкий йўсиндаги мажбурлов чоралари суднинг ҳукми ёки ажримига асосан ҳақ тўламаслик шарти билан олиб қўйиш ва давлат фойдасига ўтказиш мақсадида қуйидаги мол-мулкларга нисбатан қўлланилиши мумкинлигини белгилайди.</p> <p>Бундай мол-мулклар жумласига:</p> <ul style="list-style-type: none"> • жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк, шунингдек ушбу мол-мулкдан фойдаланиш орқали олинган ҳар қандай фойда ёки наф; • жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва бошқа мол-мулк тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган пул маблағлар ва бошқа мол-мулк; • экстремистик ёки террорчилик фаолиятини, оммавий қирғин қуролини тарқатишни ёхуд уюшган жиноий гуруҳ ёки жиноий уюшмани молиялаштириш ёки бошқача тарзда таъминлаш учун мўлжалланган ёки фойдаланиладиган пул маблағлар ва бошқа мол-мулк; • жиноят содир этиш қуроли, нарсалар, ускуналар ёки бошқа воситалар киритилади.

		<p>Жиноят содир этиш натижасида олинган ва жиноят содир этган шахс томонидан бошқа шахсларнинг эгаллигига ўтказилган мол-мулк ҳам мусодара қилинади.</p> <p>Жиноят содир этиш натижасида олинган пул маблағлари ва мол-мулк тўлиқ ёки қисман бошқа мол-мулкка айлантирилган ёхуд ўзгартирилган ёки қонуний манбалар ҳисобидан олинган мол-мулкка қўшилган ёки бошқа шахслар эгаллигига ўтказилган бўлса, махсус мусодара қилиш жиноят содир этиш натижасида олинган мол-мулк қисмига нисбатан қўлланилади.</p> <p>Суд махсус мусодара қилишни қўллаш вақтида мусодара қилинадиган мол-мулкни аниқ кўрсатиши лозим бўлади.</p> <p>Еврова Кенгаши Вазирлар Қўмитасининг 1997 йил 6 ноябрдаги сессиясида «Коррупцияга қарши курашишнинг йигирмата принциплари» тўрисидаги ҳужжат қабул қилинди. Унда белгиланган қоидаларнинг барчаси долзарб масалалардир. Улардан бири 4-принцип қуйидагича ёритилган: «Коррупция ҳодисалари натижасида олинган даромадларни мусодара қилиш ва улардан маҳрум қилиш бўйича тегишли чораларни кўриш» мажбурийлиги юклатилган. Бизнингча, мамлакат жазо тизимида «мусодара қилиш» жазо турларидан бири сифати киритиш мақсадга мувофиқ бўларди.</p> <p>Фикримизнинг исботи сифатида айтишимиз мумкинки, Европа давлатларининг деярли барчасида, АҚШ,</p>
--	--	---

		Қозоғистон, Тожикистон, Туркия каби давлатларда бу амалиёт мавжуд.
--	--	--

Иловалар 2

Лойиҳа

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирининг
2021 йил «___» июлдаги
___-сон буйруғига
ИЛОВА

Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш методикаси тўғрисидаги

Низом

I. Умумий қоидалар

1. Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш методикасининг (кейинги ўринларда Методика) асосий мақсади Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларида қуйидаги соҳаларда ишларни ташкил этишда ягона ёндашувни таъминлашдан иборат:

Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг функциялари (ваколатлари) ҳамда лавозимлари рўйхатини шакллантириш;

фаолият йўналиши коррупция хавфи билан боғлиқ бўлган ходимларнинг ўз вазифаларини бажаришини мониторинг қилиш.

2. Методиканинг қўлланилишидан кутилаётган натижалар қуйидагилар:

фаолиятни амалга ошириш жараёнида коррупциявий хавф-хатарни келтириб чиқарувчи соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари функциялари рўйхатини аниқлаш ҳамда ушбу рўйхатни янгилаб бориш;

коррупция хавфи мавжуд бўлган лавозимлар рўйхатини аниқлаш ҳамда ушбу рўйхатни янгилаб бориш;
муайян жараёнлардаги коррупциявий хавф-хатарларни йўқ қилиш ёки минималлаштириш.

3. Методикада қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ходимлар – соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари ходимлари;

коррупциявий хавф-хатарлар – соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларида муайян лавозимни эгаллаб турган шахсларнинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланишига, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишига имкон яратувчи ҳолатлар ва шарт-шароитлар;

назорат функцияси – соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар ижросини назорат қилиши билан боғлиқ функцияси;

давлат мулкани бошқариш функцияси – соғлиқни сақлаш органлари ва муассасасининг давлат мулкига нисбатан эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ функцияси;

тиббий хизматларини кўрсатиш функцияси – соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар;

рухсат бериш функцияси – соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг жисмоний ва юридик шахсларга муайян фаолият турини ва (ёки) ҳаракатларни амалга оширишга рухсат бериш билан боғлиқ функцияси;

лицензиялаш функцияси — соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш жараёнлари билан боғлиқ функцияси;

рўйхатдан ўтказиш функцияси – соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш, ўзгартириш ёки тугатиш фактларини тасдиқлаш учун ҳужжатларни, ҳуқуқларни, объектларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ функцияси.

4. Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

коррупциявий хавф-хатарлар юзага келиши мумкин бўлган муносабатлар, унинг сабабларини аниқлаш ҳамда амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар таҳлилини ўтказиш;

коррупциявий хавф-хатарлар юзага келиши эҳтимоли юқори бўлган функция ва лавозимлар рўйхатини шакллантириш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш ёки уларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаш.

II. Амалга ошириш жараёнида коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари функцияларини аниқлаш

5. Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг коррупция келиб чиқиши хавфи юқори бўлган функциялар рўйхатини шакллантиришда фаолиятни амалга ошириш жараёнида коррупция хавфини келтириб чиқарувчи функциялар аниқланади.

6. Коррупциявий хавф-хатар билан боғлиқ функцияларга назоратни амалга ошириш, ташкилот мулкани бошқариш, давлат харидларини амалга ошириш, тиббий хизматларини кўрсатиш, шунингдек рухсат бериш, лицензиялаш ва рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ функциялар киритилади.

7. Муайян функцияни амалга оширишда коррупция хавфи пайдо бўлиши (яъни функциянинг коррупциялашиш хавфи) ҳақида маълумот қуйидаги манбалар орқали аниқланиши мумкин:

а) тегишли муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таҳлил қилиш;

б) статистик маълумотларни таҳлил қилиш;

в) Одоб-ахлоқ Қўмитасида (кейинги ўринларда – Қўмита) тегишли масалани муҳокама қилиш;

г) коррупцияга қарши курашишга йўналтирилган жамоатчилик назоратининг натижаларини таҳлил қилиш;

д) қуйидагиларни кўриб чиқиш натижаларига кўра:

коррупциявий ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари (ёзма, оғзаки, электрон, ишонч телефони ва ҳ.к.);

ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа органлардан келиб тушган маълумотлар;

ўтказилган хизмат текшируви натижалари;

коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ёки ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари томонидан ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарлар;

“сирли мижоз” ва қисқа муддатли текширишлар (рейдлар) ўтказиш натижасида аниқланган маълумотлар;

ходимлар ёки жамоатчилик ўртасида ўтказилган сўров натижалари;

бевосита ходимлар томонидан тақдим этилган маълумотлар.

Мазкур бандда қайд қилинган маълумотларни таҳлил қилиш ва натижаси юзасидан ҳисобот расмийлаштириш вазирлик марказий аппаратида соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимида коррупцияга қарши курашиш Кенгаши (кейинги ўринларда – Кенгаш) ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларида Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмита томонидан амалга оширилади.

Кенгаш (Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмита) томонидан расмийлаштирилган ҳисоботда қуйидагилар акс этиши лозим:

тегишли маълумот манбаларини таҳлил қилиш орқали коррупциявий хавф-хатар мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар ва функциялар рўйхатини шакллантириш бўйича таклифлар;

тегишли функцияларда коррупциявий хавф-хатар даражасини баҳолаш натижалари (паст, ўрта, юқори);

коррупциявий хавф-хатар мавжуд бўлган ижтимоий муносабатлар иштирокчиларининг хулқ-атвори;

коррупциявий хавф-хатар мавжуд бўлган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички ҳужжатлар таҳлили;

коррупциявий хавф-хатар пайдо бўлишига таъсир кўрсатаётган ташқи ва ички омиллар;

коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича самарали чора-тадбирларни белгилаш юзасидан таклифлар.

Кенгаш (Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмита) томонидан расмийлаштирилган ҳисобот уч кунлик муддатда кўриб чиқиш учун тегишли соғлиқни сақлаш органи ёки муассасаси раҳбарига киритилади.

8. Кенгаш (Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмита) ҳисоботида берилган таклиф асосида соғлиқни сақлаш органи ёки муассасаси раҳбари томонидан Коррупциявий хавф-хатар билан боғлиқ функциялар рўйхати тасдиқланади.

9. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функциялар рўйхатига ўзгартиришлар киритиш учун қуйдагилар асос бўлиши мумкин:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши муносабати билан янги функцияларнинг қўшилиши, амалдаги функцияларнинг қайта тақсимланиши ёки бекор бўлиши;

Кенгаш, Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмитанинг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функцияларни ва лавозимларни баҳолаш бўйича йиғилиши натижасида қабул қилинган қарори;

соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари функцияларининг коррупциявий хавф-хатар даражасини ошишига ёки тушишига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа ҳолатлар юзага келганда (бошқа органлар вазифа ва функцияларининг ўзгариши, штатлар ўзгариши ва ҳ.к).

III. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг лавозимлари рўйхатини шакллантириш

10. **Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш** соғлиқни сақлаш органлари ёки муассасалари ходимларининг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишига имкон яратувчи маълум бир фаолият жараёнида юзага келадиган вазият ва ҳолатларни (ҳаракатлар, ҳодисалар) аниқлашдан иборат.

11. Коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнида коррупциявий муносабатларнинг предмети бўлган маъмурий-ҳуқуқий фаолият аниқланиши керак.

Бунда коррупциянинг предмети нималиги (қайси ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун моддий ёки номоддий наф тақдим этилмоқда) ҳамда қандай коррупциявий схемалар ишлатилаётганлиги ҳолатлари таҳлил қилиниши лозим.

12. Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган лавозимлари рўйхатини аниқлашда меҳнат фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, қарорлар қабул қилиш эркинлигининг юқорилиги ҳамда жисмоний ва юридик шахслар билан доимий мулоқотга (бевосита муносабатга) киришиш имкониятига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

13. Соғлиқни сақлаш органи ёки муассасаси ходимининг коррупциявий хатти-ҳаракатини тавсифловчи белгилар қуйидаги ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) бўлиши мумкин:

жисмоний ёки юридик шахсларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда асоссиз равишда белгиланган муддатлардан ортиқча кечиктириш (пайсалга солиш), улар мурожаатларини навбатма-навбат кўриб чиқиш ва ҳал этиш тартибига риоя этмаслик;

мансабдор шахснинг ёки унинг қариндошларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ шахсий масалалар бўйича ўзининг расмий ваколатларидан фойдаланиши;

алоҳида шахсларга ишга кириш учун қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган имтиёзлар (қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, маҳаллийчилик, шахсий садоқат ва ҳ.к) бериш;

тиббий хизматларини кўрсатишда алоҳида жисмоний ёки юридик шахсларга қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган устунликлар бериш;

хизмат фаолиятини амалга ошириш натижасида эга бўлган ҳамда оммага очиқ эълон қилинмаган маълумотлардан ўзи ёки бошқаларнинг шахсий манфаатлари йўлида фойдаланиши;

юридик ва жисмоний шахслардан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган ортиқча ҳужжат ва маълумотлар талаб қилиш;

ходим томонидан меҳнат фаолияти давомида расмийлаштириладиган ҳужжатлардаги (ҳисоботлар, маълумотлар ва ҳ.к) маълумотларни қасддан бузиб кўрсатиши, яшириши.

Мазкур бандда қайд қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизликлар) бевосита коррупция билан боғлиқ бўлган ҳоллардагина ходимининг коррупциявий хатти-ҳаракатини тавсифловчи белгилар сифатида эътироф этилиши мумкин.

Ходимининг коррупциявий хатти-ҳаракатини тавсифловчи белгилар тўғрисида маълумот келиб тушган соғлиқни сақлаш органи ёки муассасасининг таркибий тузилмаси уч кунлик муддатда ушбу маълумотларни вазирлик марказий

аппаратида Кенгашга, соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларида эса Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмитага тақдим этилишини таъминлашлари лозим.

Соғлиқни сақлаш органи ёки муассасаси ходимининг коррупциявий хатти-ҳаракатини тавсифловчи белгилар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш асосида вазирлик марказий аппаратида Кенгаш ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларида Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмита томонидан коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган лавозимлар рўйхати бўйича таклиф шакллантирилади.

14. Вазирлик марказий аппаратида Кенгаш ҳамда бошқа соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларида Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмита томонидан берилган таклиф асосида соғлиқни сақлаш вазири томонидан коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган лавозимлар рўйхати тасдиқланади.

IV. Коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функцияларни амалга оширишда коррупция хавфини минималлаштириш ёки уларни бартараф этиш

15. Коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш ёки уларни бартараф этиш турли усуллар, хусусан муайян маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни регламентлаштириш, уларни осонлаштириш ёки бекор қилиш орқали коррупциявий схемаларни амалга оширишга тўсқинлик қилиш ҳамда бошқа усуллар билан амалга оширилади.

16. Муайян маъмурий-ҳуқуқий фаолиятни регламентлаштириш коррупция таҳдидини қуйидаги сабабларга кўра камайтиради:

ваколатларни амалга оширишда мансабдор шахс томонидан ҳуқуқий муносабатларнинг белгиланган мақсадига эришишдан четга чиқилиши хавфи сезиларли даражада камаяди;

маъмурий қарорлар қабул қилишда мансабдор шахсларнинг ихтиёри доираси чекланади;

қарорлар қабул қилиш жараёнида тегишли назоратни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратилади ҳамда зарур ҳолларда низоли вазиятлар юзага келмасдан аввал ноқонуний қарорларни тузатишга имкон беради;

функцияларни аниқ ва бир хилда ижро этилишига асос яратилади.

17. Коррупциявий схемаларни амалга оширишга тўсқинлик қилувчи тўсиқларни (чеклашларни) яратиш учун қуйидаги чораларни қўллаш тавсия этилади:

соғлиқни сақлаш органлари ёки муассасаларидаги вазифа ва ваколатларни қайта тақсимлаш;

фуқаролар (ташкilotлар) ва мансабдор шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ахборот технологияларини қўллаш орқали бевосита мулоқотни камайтириш;

соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларига ишга ҳамда комиссиялар, ишчи гуруҳлар таркибига номзодлар танлаб олиш механизмларини такомиллаштириб бориш;

ходимларни вақти-вақти билан ротация қилиш;

соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга тақдим этиладиган хужжатлар рўйхатини қисқартириш ва соддалаштириш;

қарорлар қабул қилиш вақтини қисқартириш;

коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функцияни амалга оширишда ходимларнинг ҳар бир ҳаракатини ва муддатларни аниқ белгилаш;

фаолиятда ахборот коммуникация технологияларини жорий қилиш ва улардан кенг фойдаланиш;

ходимларнинг муайян ҳаракатлар юзасидан қўшимча ҳисобдорлигини ошириш.

18. Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари ходимлари томонидан коррупциявий жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик учун ушбу кўрсатмаларда кўзда тутилган чора-тадбирлар доимий равишда қуйидагилар орқали амалга оширилиши керак:

юзага келган масалаларни коллегиял тартибда ҳал этиш, ички ахборот тизимини жорий этиш асосида ходимларнинг ўз вазифаларини бажариши устидан ички назоратни ташкил этиш. Шу билан бирга, ходимларнинг даромад манбалари, улар фаолияти билан боғлиқ жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ёки ходимларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари томонидан ҳамда ижтимоий тармоқларда эълон қилинган хабарларни ўрганиш ва таҳлил қилиш;

ходимларнинг ижтимоий ҳимояланганлик даражасини ошириш чораларини кўриш;

тиббий хизматларини кўрсатиш ва фуқароларни қабул қилиш жойларида видео кузатув ва аудио ёзув мосламаларидан фойдаланиш;

фаолияти коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функцияни бажариш билан боғлиқ бўлган ходимлар ўртасида тушунтириш, тарғибот тадбирларларини ва профилактик суҳбатларни ўтказиш

коррупцияга қарши курашиш соҳасида кўрилатган чора-тадбирларнинг самарадорлигини баҳолаб бориш ва уларни мунтазам такомиллаштириб бориш.

V. Лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ходимларнинг фаолиятини мониторинг қилиш

19. Лавозими коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функциялар билан боғлиқ бўлган ходимлар фаолиятини мониторинг қилишнинг асосий вазифалари қуйидагилар:

ходимларнинг ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармаётганлиги ҳолатларини ўз вақтида аниқлаш;

ходимларнинг ўз вазифаларини лозим даражада бажармаслигига имкон яратувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

коррупциявий хавф-хатарларни минималлаштириш ёки бартараф этиш бўйича асослантирилган таклифлар шакллантириш;

соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функциялари ва лавозимлари рўйхатини шакллантириш ва янгилаб бориш.

20. Мониторинг соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмита (марказий аппаратда Кенгаш) томонидан, шу билан бирга, соғлиқни сақлаш органлари ёки муассасалари раҳбарларининг топшириғига асосан бошқа ходимлар томонидан олиб борилади.

Мониторинг ходимларнинг коррупциявий фаолияти белгилари ва фактлари тўғрисида маълумот тўплаш йўли билан амалга оширилади.

Маълумотларни тўплаш сўровномалар ўтказиш, жойларга чиққан ҳолда тизимдаги коррупциявий ҳолатларни ўрганиш (“сирли мижоз” ва қисқа муддатли текширишлар (рейдлар) ўтказиш) ва таҳлил қилиш, коррупциявий ҳолатларни содир этишга мойил бўлган ходимлар ҳақида маълумотларни тезкор равишда тўплаш ва ўрганиш, жумладан, ижтимоий шериклик механизмларидан кенг фойдаланиш орқали амалга оширилиши мумкин.

21. Мониторинг натижалари қуйидагилардан иборат:

ўз вазифаларини лозим даражада бажармаётганлиги ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этмаётганлиги натижасида коррупциявий хавф даражаси ошишига сабаб бўлаётган ходимлар тўғрисида маълумотларни шакллантириш;

соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари тизимида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш ёки минималлаштириш ҳамда коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функциялар ва лавозимлар рўйхатини шакллантириш ва янгилаб бориш бўйича асослантилган таклифларни шакллантириш;

мониторинг натижалари бўйича соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари раҳбарларига ҳамда Вазирликка ҳар олти ойда ахборотларни киритиб бориш.

VI. Якуний қоидалар


22. Соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларига юклатилган функцияларни амалга оширишда юзага келадиган коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарга энг кўп дуч келадиган функциялар ва лавозимлар рўйхатини шакллантириш ва янгилаб бориш ҳамда коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш ёки минималлаштириш бўйича масалалар ҳар олти ойда камида бир марта соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмита (марказий аппаратда Кенгаш) томонидан кўриб чиқилади.

23. Ушбу методик кўрсатмаларни амалга ошириш соғлиқни сақлаш органлари ва муассасаларининг Комплаенс, ички аудит ва молиявий назорат бошқармаси ва унинг ҳудудий бўғинлари ҳамда Қўмита (марказий аппаратда Кенгаш) томонидан амалга оширилади.

Иловалар 3

1. Соғлиқни сақлаш соҳасида коррупциявий ҳолатларга дуч келганмисиз?


64 ответа



2. Сизнингча, соғлиқни сақлаш тизимида қайси ҳолатларда коррупциявий жиноятлар кўпроқ содир этилади?




64 ответа



3. Соғлиқни сақлаш тизимининг қайси бўғинида коррупсия юқори деб ўйлайсиз?

64 ответа



4. Сизнингча, Соғлиқни сақлаш тизимида коррупцион жиноятларни содир этилишига асосий омил нима деб ўйлайсиз?




65 ответов



5. Соғлиқни сақлаш тизимида коррупциявий жиноятларга қарши курашишда қайси усул самаралироқ?



65 җавоб



- ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлиқни ошириш
- Тарбиявий (ўқитиш, малака ошириш)
- Ташкилий-ҳуқуқий (инструкция, низом, қонунчилиқни такомиллаштириш)
- Бошқа усуллар